

avgust
2018

34
(1352)-son
24-avgust
2018

Xabar

ERÜRSEN SHO'H, AGAR OGOHSEN SEN
AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

УШБУ

СОНДА:

ХАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Оқсаройда дунё мумтоз
кўйлари янграйди **2-бет**

КАДРЛАР СИЁСАТИ

АКТ вазири СПбДТУ
битирувчилари билан
учрашди **3-бет**

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

Пойабзал кўтисидаги
телефонлар **5-бет**

ЕДИНАЯ ПЛАТФОРМА

Которая объединит учёных,
бизнесменов, инвесторов,
новаторов и инновационные
идеи Узбекистана и
Индии **6-бет**

ИНТЕРВЬЮ

"Қонли гуллар водийси:
Мадаминбен" романи
муаллифи билан суҳбат **7-бет**

ХАКЕРДАН МАСЛАҲАТЛАР

Қандай қилиб мураккаб
паролни яратиш мумкин?
10-бет

ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ

Дастлабни беш кунда
19 медал! **15-бет**

ЎЗБЕКИСТОН- ТОҶИКИСТОН БИЗНЕС-ФОРУМИ

133,2 млн.

долларлик

58та

шартнома ва келишувлар
имзоланди

Томонлар нефт-газ, металлургия,
машинасозлик, электротехника, кимё,
қурилиш, фармацевтика, озиқ-овқат
саноатлари, молия ва бошқа соҳаларда
ҳамкорлик қилади.

ЎЗБЕКИСТОН НИМА САБАБДАН 9 ХОНАЛИ ТЕЛЕФОН РАҚАМИГА ЎТМОҚДА?

Айни вақтда Ўзбекистон телекоммуникация тармоғида жадал ривожланиш кузатиляпти. Мобил ва симли телефон алоқа абонентлари сони ҳам сезиларли равишда ўсиб бормоқда ва ҳозирда

республикада абонентлар 22 миллионни ташкил этади. Бундай шароитда мавжуд телефон рақамлари тизимида етишмовчиликлар юзага келяпти.

Халқаро электралоқа иттифоқи тавсиясига кўра,

бу каби вазиятда кўп хонали рақамлар тизимига ўтиш масаланинг ечими бўла олади. Масалан, Хитойда 11 хонали, АҚШ ва Европанинг кўплаб мамлакатларида 10 хонали, Россияда 7 ва 8 хонали те-

лефон рақамлари тизими-дан фойдаланилади.

Шундай экан, кўп хонали рақам тизимига ўтиш телекоммуникация тармоқлари ривожланишида табиий ҳодисадир.

4-бет

ДИҚҚАТ!

СЕНТЯБРДАН ЎЗБЕКИСТОН 9 РАҚАМЛИ ТИЗИМГА ЎТИШНИ БОШЛАЙДИ

2018 йилнинг 10 сентябридан 30 сентябрга қадар Тошкент шаҳар телефон тармоғида 9 рақамли рақамлаш тизимига ўтиш бўйича ишлар амалга оширилади.

Бугунги кунда мавжуд телефон рақамини теришдан олдин "71" кодини териш керак.

Мисол: Эски рақам — 278xxxx. Янги рақам эса — 71 278xxxx.

2018 йилнинг 10 сентябридан 11 сентябрга қадар BUZTON, EAST TELECOM, SARKOR TELECOM, SHARQ TELECOM операторлар тармоғида 9 рақамли рақамлаш тизимига ўтиш бўйича ишлар амалга оширилади. Телефон рақамини теришдан олдин "78" кодини териш лозим.

Мисол учун:

■ BUZTON эски рақам 120xxxx, янги рақам — 78 120xxxx

■ EAST TELECOM эски рақам 150xxxx, янги рақам — 78 150xxxx

■ SARKOR TELECOM эски рақам 122xxxx, янги рақам — 78 122xxxx

■ SHARQ TELECOM эски рақам 113xxxx, янги рақам — 78 113xxxx

10-11 сентябрда мобил операторлар тармоғида 9 рақамли рақамлаш тизимига ўтиш бўйича ишлар амалга оширилади. Мобил телефон рақамини теришдан олдин уяли компаниянинг кодини териш керак.

Мисол учун:

■ Beeline — эски рақам 956xxxx — янги рақам 90 956xxxx; эски рақам 132xxxx — янги рақам 91 132xxxx.

■ UMS — эски рақам 426xxxx — янги рақам 97 426xxxx

■ Perfectum — эски рақам 115xxxx — янги рақам 98 115xxxx

■ Uzmobil — эски рақам 899xxxx — янги рақам 99 899xxxx; эски рақам 195xxxx — янги рақам 95 195xxxx

■ UCELL — эски рақам 381xxxx — янги рақам 93 381xxxx; эски рақам 630xxxx — янги рақам 94 630xxxx.

Демак, қақриллаётган абонент рақамини тераётганда сентябрнинг 10-санасидан бошлаб эътиборли бўласиз.

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" МАГИСТРАЛ ТАРМОҚЛАРДА ЮЗАГА КЕЛГАН АВАРИЯНИ БАРТАРАФ ЭТДИ

20 август кўни Uzonline провайдери фойдаланувчилари интернетга киришда (айниқса, TAS-IX ҳудудидаги сайтларга) муаммоларга дуч келди. Шунингдек, Uzcard терминалларининг ишида ҳам узилишлар кузатилди.

"Ўзбектелеком" АК маълум қилишича, магистрал тармоқлардан бирида авария юзага келган.

Муаммо ўша кўннинг ўзига бар-тароф этилган. Тармоқ одатий тартибда ишламоқда. Компания вақтинчалик нуқулайликлар учун фойдаланувчилардан узор сўраган.

Шунингдек, "Ўзбектелеком" компанияси Uzcard матбуот хизмати томонидан эълон қилинган хабарларни рад этди.


"Интернетга уланнишда муаммоларга сабаб бўлган 20 августдаги авария доимий эмас, балки вақтинчалик аҳамият касб этиб, унинг "Ўзбектелеком" аввалроқ тарқатган 19 августдан 30 августгача кечки режали профилактика ишларига ҳеч қандай алоқаси йўқ", — дейилади компания ахборотида.



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ “SAMARKAND CITY” ҚУРИЛИШИГА ДОИР ЛОЙИХАЛАР БИЛАН ТАНИШДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 август кuni Самарқандда шаҳар инфратузилмасини ривожлантиришга доир лойиҳалар билан танишди.

Маълумки, Амир Темури кўчасининг икки ёнида қарийб 14 гектар майдонда “Samarkand city” бунёд этиш режалаштирилган. 2017-2020 йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури доирасида амалга ошириладиган мазкур лойиҳа Самарқанднинг туристик салоҳиятини замон талаблари даражасига кўтаришга қаратилган. Бугунги кунда хорижлик инвесторлар жалб этилиб, бир неча шартнома ва битимлар имзоланган.



— Самарқанднинг ҳозирги сайёҳлик салоҳияти тарихий қадамжолар ҳисобига. “Samarkand city” замонавий туризм маркази бўлади. Дунёда нимаики хизмат турлари бўлса, бу ерда муҳайё бўлиши керак. Бу ердаги иншоот ва кўнгилочар масканлар

мунтазам ишлаши, ҳаражатни оқлаб, даромад келтириши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз Самарқанд шаҳри Бош режасини хорижлик мутахассислар билан биргаликда лойиҳалаштириш, катта меҳмонхоналар билан бирга сайёҳлар учун кичик-кичик отеллар ҳам бунёд этиш зарурлигини таъкидлади.

— Самарқандда йўллар, бинолар, транспорт инфратузилмаси, ўриндиқларгача — ҳамма-ҳаммаси чуқур ўйланishi, инсонлар учун қулай бўлиши лозим, — деди давлатимиз раҳбари.

ҲАМКОРЛИК УЎҚЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН ВА ТОЖИКИСТОН ЎРТАСИДА 133,2 МИЛЛИОНЛИК КЕЛИШУВЛАР ИМЗОЛАНДИ

Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмоннинг Ўзбекистон Республикасига давлат таширифи доирасида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон-Тожикистон бизнес-форуми ҳамда “Тожикистонда ишлаб чиқарилган” миллий маҳсулотлар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ушбу бизнес-форумда икки давлатнинг 400дан ортиқ тадбиркорлари иштирок этди.

Музокаралар якунига кўра, умумий 133,2 млн. доллар миқдориди 58та шартнома ва келишувлар имзоланди. Улардан 52таси — умумий 89,9 млн. долларга тенг экспорт шартномалари, 3таси — 3,3 млн. доллар

ҳажмида импорт шартномалари ва қолган учтаси — молиявий ҳамкорлик бўйича келишувлар (40 млн. доллар). Жумладан, нефть-газ, металлургия, машинасозлик, электротехника, кимё, қурилиш, фармацевтика, озиқ-овқат саноатлари, молия ва бошқа соҳаларга оид келишувлар имзоланган.

МАДАНИЯТ

ОҚСАРОЙДА ДУНЁ МУМТОЗ КУЙЛАРИ ЯНГРАЙДИ

Шаҳрисабз шаҳрининг Оқсарой майдонида ҳар икки йилда Халқаро мақом санъати анжумани ўтказилади.

Жорий йил 6-10 сентябр кунлари юртимизда илк бор ана шу анжуман бўлиб ўтди. Дунёнинг кўплаб халқларининг санъат усталари диёримизга ташириб буюриб, ўзининг маданий мероси, мумтоз куйларини ижро этишди.

Айни вақтда анжуманга тайёргарлик ишлари авжида. Халқаро мақом санъати анжуманининг очилиш ва ёпилиш маросимлари дастури сценарийсини тузишда халқимиз ардоғидаги санъаткорлар, маданият ходимлари Баҳодир Йўлдошев, Отаназар Матёқубов, Равшан Юнусов, Оқилхон Иброҳимов, Маҳ



муд Тожибоев, Ҳасан Ражабий ва Муножат Йўлчиева иштирок этди.

Анжуманнинг очилиш маросими учун Бухоро, Хоразм ва Тошкент-Фарғона мақом йўналишлари бўйича вилоятлар мақом ансамбллари томонидан музикаий композициялар тайёрланмоқда. Шу билан бирга, Шаҳрисабз

ёш мақомчиларининг чиқишлари ва Юнус Ражабий номидан “Мақом” ансамбли томонидан “Шашмақом”нинг дунёда эътироф этилган бта шўъба-тармоғи: “Бузрук”, “Рост”, “Наво”, “Дугоҳ”, “Сегоҳ”, “Ироқ” мақом намуналаридан композиция тайёрланмоқда.

Ушбу анжуманга дунёнинг кўплаб давлатлари катта қизиқиш билан қарашмоқда. Жумладан, 80дан зиёд мамлакат вакиллари ушбу анжуманда иштирок этишга хоҳиш билдирган.

Шунингдек, анжуман доирасида “Мақом санъати ва унинг ҳақон цивилизациясида тутган ўрни” мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

“ТАШАББУС-2018”

ФОЛИБЛАРГА “SPARK” БЕРИЛАДИ

2018 йилда “Ташаббус-2018” кўрик-танловининг туман (шаҳар) босқичлари 27 августдан 28 сентябрга қадар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари 5 октябрдан 25 октябрга қадар, республика босқичи 14-15 ноябр кунлари бўлиб

ўтди. Фолибларни тақдирлаш маросими эса 16 ноябр кuni ташкил этилди.

Кўрик-танловнинг мутлақ фолиблари Ўзбекистон Республикаси Президенти совғаси сифатида “Spark” автомашиналари билан тақдирланди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон 2018 йил 17-18 август кунлари давлат таширифи билан мамлакатимизда бўлди. Ўзбекистон ва Тожикистон раҳбарлари халқаро ва минтақавий сийёсатнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашдилар. Музокаралар якунида Қўшма баёнот қабул қилинди, Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, турли соҳалардаги икки томонлама ҳамкорлиқни кенгайтириш, ўзбек ва тожик халқлари ўртасидаги анъанавий қардошлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган салмоқли давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди. Тожикистон Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Н.Исмоилов, Бош вазир А. Арипов билан учрашувлар ўтказди, Самарқанд шаҳрини зиёрат қилди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 19 август кuni Афғонистон миллий байрами — Мустақиллик кuni муносабати билан Президент Мухаммад Ашраф Фанига ҳамда 20 август — Венгрия давлати асосчиси Авлиё Иштван кuni муносабати билан Венгрия Президенти Янош Адерга табрик йўллади.

➤ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида 21 август кuni Европа халқ партиясининг Германия делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда асосий эътибор Ўзбекистон-Европа муносабатларининг жорий ҳолати, мамлакатимиздаги ислохотлар жараёнига Европа Иттифоқининг тажрибаси ва молиявий-техник кўмагини жалб этиш масалаларига қаратилди.

➤ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2018 йил 24 август кuni ташириф билан Туркменистонда бўлади ва Оролни қўтқариш халқаро жамғармаси (ОҚХЖ) таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг мажлисида иштирок этади. Туркманбоши шаҳрида бўлиб ўтадиган ОҚХЖ саммитида глобал иқлим ўзгариши шароитида Орол денгизи ҳавзасининг экологик аҳволини яхшилашда Марказий Осиё мамлакатлари ҳамкорлигининг долзарб масалалари кўриб чиқилади. Мажлис якуни бўйича Давлат раҳбарлари кенгашининг қўшма баёноти қабул қилиниши кутилмоқда.

АКТ ВАЗИРИ СПБДТУ БИТИРУВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

“
2003-2018
йилларда ҳам-
маси бўлиб
СПБДТУда АКТ
вазирлигининг
тармоқ корхо-
наларидан 66
нафар ходим (48
нафари “Ўзбек-
телеком” АКдан
ва 18 нафари
“Unicon.uz”
ДУКдан) тахсил
олди.”



19 август кuni Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Шўхрат Содиқов М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университети (СПБДТУ)нинг битирувчилари билан учрашди.

Россиянинг ушбу нуфузли университетидан 2003 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда 66 нафар ўзбекистонлик талаба тахсил олган. Тармоқ корхоналари ва СПБДТУ ўртасидаги 15 йиллик ҳамкорлик давомда мамлакатимиз АКТ соҳаси ўнлаб юқори маънавиятга эга бўлди. Учрашувда мамлакатнинг инновацион равиши учун хорижда олинган билимлардан янада самаралироқ фойдаланиш борасида сўз юритилди.

2003 йили “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси

ушбу университет билан шартнома имзолаганди, унга кўра, ҳар йили Ўзбекистоннинг беш нафаргача талабаси Россия шимолий пойтахтига ўқишга юборилди. Шу билан бирга, хорижда тахсил олишнинг асосий мақсади нафақат юқори сифатли таълим олиш, балки бизнинг мамлакатда ҳали ўқитилмаётган, аммо эҳтиёж мавжуд бўлган мутахассислик бўйича билимларни олишдир. 2003-2018 йилларда ҳаммаси бўлиб СПБДТУда АКТ вазирлигининг тармоқ корхоналаридан 66 нафар ходим (48 нафари “Ўзбектелеком” АКдан ва 18 нафари “Unicon.uz” ДУКдан) тахсил олди. Ушбу битирувчиларининг аксарияти бугунги кунда Ўзбекистоннинг АКТ соҳасида ишламоқда.

Кўриниб турибдики, талабаларни Бонч-Бруевич номидаги СПБДТУда ўқитишдаги ҳамкорлик мамлакатнинг ри-



вожланиши учун ўз медаларини беришти. Мазкур ҳамкорлик бугунги кунда ҳам давом этаётди. Ҳозирда университетда “Ўзбектелеком” АКдан 10 нафар талаба таълим олмақда.

АКТ вазирлиги раҳбарияти билан учрашувда Бонч-Бруевич номидаги СПБДТУ билан узоқ йиллар ҳамкорлик қилишнинг ижобий натижаларига қарамай, битирувчиларнинг эришган билим ва илмий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кераклиги таъкидланди. Битирувчиларнинг ривожланиш учун салоҳиятини тахлил қилиш керак ва агар керак бўлса, уларни янада масъули-

ятли ва қизиқарли иш жойларига юбориш лозим, токи улар Санкт-Петербургда олган билимларидан иложи борица самарали фойдалансинлар. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва АКТ соҳасида илм-фанни ривожлантириш учун Бонч-Бруевич номидаги СПБДТУ битирувчиларининг илмий салоҳиятидан фойдаланмоқ лозим. Билим ва тажриба алмашиш учун М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университети (СПБДТУ) ўзбек-битирувчиларининг ҳамжамиятини ташкил этиш таклиф этилди.


МАЪЛУМОТ УЧУН:

М.А.Бонч-Бруевич номидаги Санкт-Петербург давлат телекоммуникациялар университети Россия Федерациясининг энг қадимги ва машҳур университети, алоқа ва телекоммуникация соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаш бўйича Россия олий мактабининг етакчиларидан ҳисобланади.

ҲАМКОРЛИК

ЎЗБЕКИСТОН-ҲИНДИСТОН ИШЧИ ГУРУҲИ МУЛОҚОТ ЎТКАЗДИ

“
Икки томон-
лама ҳамкорлик
кибертаҳдидларга
қарши тўла-
қонли курашиш-
да муҳим омил
саналади.”



Тошкентдаги Алоқа тарихи музейида 17 август кuni Ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон-Ҳиндистон ҳамкорлигидаги ишчи гуруҳининг иккинчи сессияси бўлиб ўтди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг биринчи ўринбосари Олимжон Умаров ҳиндистонлик ҳамкорларга мамлакатимизда давлат

ва хусусий сектор фаолиятига ахборот-коммуникациялари татбиқ этишнинг ҳозирги ҳолати ҳақида сўзлаб берди.

Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини сақлашга кўмаклашиш маркази директорининг ўринбосари Рустам Юнусов ҳамкорларни марказ ва унинг компютер ҳодисаларига чора кўриш хизмати — UzCERT фаолияти билан таништирди.

Рустам Юнусовнинг таъкидлашича, кибертаҳдидларнинг трансгегаравий хусусияти бугун мамлакатларнинг шу соҳага масъул ташкилотлари олдида халқаро ҳамкорликка катта эътибор қаратиш талабини қўймоқда. Икки томонлама ҳамкорлик кибертаҳдидларга қарши тўлақонли курашишда муҳим омил саналади.

ТАЙИНЛОВ

Асаджон ХЎЖАЕВ
АХБОРОТ
ХАВФСИЗЛИГИ
МАРКАЗИГА ДИРЕКТОР
ЭТИБ ТАЙИНЛАНДИ

Асаджон Хўжаев Ахборот хавфсизлиги ва жамоат тартибини таъминлашга кўмаклашиш маркази директори этиб тайинланди.

Асаджон Хўжаев 2017 йил мартдан августга қадар Президент Шавкат Мирзиёевнинг матбўти котиби сифатида фаолият юритган. Сўнг Биринчи Президент Ислам Каримов номидаги Илмий-маърифий ёлдорлик мажмуаси раҳбарининг биринчи ўринбосари этиб тайинланган эди.

У 2011-2012 йилларда Интеллектуал мулк агентлигига, 2012-2017 йилларда эса Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасига раҳбарлик қилган. Бунгача эса 2004-2011 йилларда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ҳозирги АКТ вазирлиги) бош директори ўринбосари вазифасида ишлаган.

ЎЗБЕКИСТОН НИМА САБАБДАН 9 ХОНАЛИ ТЕЛЕФОН РАҚАМИГА ЎТМОҚДА?

◀1-бет.

Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоқларида рақамлаш "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси" RH 45-101:2013 бошқарув ҳужжати мувофиқ амалга оширилади. Мазкур ҳужжат дунё тажрибаларини инобатга олган ҳолда, Халқаро электралоқа иттифоқи тавсияларига кўра ишлаб чиқилган. Унда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларида 7 хонали рақамдан 9 хонали рақамга ўтиш назарда тутилган.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бунга қандай тайёргарлик кўрди?

9 хонали рақам тизими-га ўтишга тайёргарлик деярли 10 йил мобайнида олиб борилди. Халқаро тажриба, дунё стандартлари, Халқаро электралоқа иттифоқи тавсиялари синчиклаб ўрганилди, телекоммуникация операторлари билан консултациялар ўтказилди.

2013 йили "Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаш тизими ва режаси" RH 45-101:2013 бошқарув ҳужжати қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоқларида 8 хонали рақамдан 9 хонали рақамга ўтиш назарда тутилган.



2014 йили ўтишнинг биринчи босқичида, қисқа чақирув рақамларининг тезкор чақирув хизматлари (ёнгин кўриқлаш, милиция, тез тиббий ёрдам, Қутқарув хизматининг газ тармоқлари аварияси хизмати)га ўтиши амалга оширилди. Бунда икки хонали 01, 02, 03, 04, 050 рақамлари 101, 102, 103, 104 ва 1050га ўтказилди.

Иккинчи босқичда шаҳарлараро телефон алоқасининг шаҳарлараро код рақамлари "8" ва "8-10" "0" ва "00" кодларига алмаштирилди.

Эндиликда 2018 йил охиригача учинчи босқични амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бунда 8 хоналидан 9 хонали рақам тизимига ўтиш кутилмоқда.

Бу қандай амалга ошади?

Ҳозирда Ўзбекистонда 5та мобил алоқа оператори ҳамда 5та симли телефон алоқаси фаолият кўрсатмоқда. Уларни 9 хонали рақамли тизимга ўтказиш, тасдиқланган режага мувофиқ, 20 кун давомида

амалга оширилади.

Бунда аҳолини, хусусан, ОАВларни хабардор қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, нотўғри рақам терилганда, бу ҳақда огоҳлантирувчи ва рақамни тўғри теришни тушунтирувчи ўзбек ва рус тилларидаги овозли хабар тизими ҳам йўлга қўйилади.

9 хонали рақамли тизимга ўтиш нима беради?

Биринчидан, Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларида рақамлар танқислиги бартараф этилади, бу эса келгусида телекоммуникация тармоқларининг оператор ва провайдерларга янги хизмат турларини жорий қилишига шароит яратди.

Иккинчидан, республика бўйлаб рақамлаш ва тарификациялашнинг ягона зонаси бўлади, натижада, шаҳарлараро телефон алоқаси телекоммуникация хизматлари кўриниши сифатида бўлмайди. Бунда абонентлар шаҳар ичида ҳам, бошқа шаҳарларга ҳам қўнғироқ қилишда бир хил нархда тўлов қилади.

Учинчидан, маҳаллий ва мобил алоқадан фойдаланишда аҳолига янада қулайлик яратилади.

Тўртинчидан, 9 хонали рақамлардан фойдаланганда телефон рақам қайси тармоққа тегишли эканини осон ажратиш мумкин бўлади.

9 хонали рақам тизимига ўтилгач, нималар ўзгаришсиз қолади?

- тезкор чақирув хизматлари (ёнгин кўриқлаш, мили-

ция, тез тиббий ёрдам, Қутқарув хизматининг газ тармоқлари аварияси хизмати) рақамлари ўзгармайди: 101, 102, 103, 104, 1050;

- Ўзбекистон Республикаси абонентларининг хориждан қўнғироқ қилиш тартиби. Ушбу тартиб аввалгидек қолади: + 998 AB XXXXXXX, + бу хориж мамлакатидан халқаро алоқага чиқиш белгиси, 998 Ўзбекистон коди, AB Ўзбекистон оператори ёки шаҳари коди, XXXXXXX эса абонент рақами.

Провайдерлар абонентлари ("EAST TELECOM", "BUZTON", "SARKOR TELEKOM" ва "SHARQ TELEKOM") рақамлари бундан мустасно, улар учун AB 78 коди жорий этилади;

- 7 хонали Ўзбекистон абонентлари рақами, шунингдек, мобил ва симли телефон алоқа абонентларининг халқаро форматдаги абонент рақами (998 AB XXXXXXX ёки AB XXXXXXX);

- ижтимоий тармоқлардаги аккаунтларга уланган мобил ва халқаро форматдаги рақамлар. Бундаги тўлов тизими ва бошқа рўйхатга олишлар ўзгаришсиз ишлайди;

- Вазирликлар, ташкилотлар, ҳўжалик субъектларининг ахборот-маълумот рақамларига қисқа (4 хонали) рақамларни териш тартиби.

Абонентлар 9 хонали рақамли тизимга ўтишлари чоғида асосий ўзгарадиган жиҳат бу — энди ҳар доим рақамларни тўлиқ теришга тўғри келишидир. Яъни, қўнғироқ қилмоқчи бўлган киши рақамни оператор ва ҳудуд коди билан тўлиқ териши керак. Аввалдан уяли алоқа воситаларига рақамларни коди билан тўлиқ сақлаб қўйган абонентлар учун ноқулайликлар бўлмайди.



МУСТАҚИЛЛИК — ЎЗЛИГИМИЗ ВА ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да ана шу мавзуда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти "Ижтимоий фанлар" кафедраси мудир Абдурашул Тошпўлатов, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети профессор-ўқитувчилари — фалсафа фанлари номзоди Ўткир Юсупов, доцент, сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) Нуриддин Қалқонловлар ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Тадбирни бошқарма бош-



лиги полковник Бекзод Аденов очиб, халқимизнинг асрий орзуси — Мустақиллик байрами ҳамда муборак Курбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида тўхталди. Абдурашул Тошпўлатов ўз маърузасида Курбон ҳайитининг келиб чиқиши тарихи ва уни нишонлашти тартиб-қоидалари ҳақида



маълумотлар берган бўлса, Ўткир Юсупов мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ҳақида гапирди.

Тадбир сўнигида бошқарма



ансамбли бошлиғи подполковник К.Абдунабиев томонидан ижро этилган "Юртим" кўшиғи барча иштирокчиларнинг ватанпарварлик руҳини янада кўтариб юборди.

Абдуқодир ОТАБОВ,
МАТБ маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицери, клуб бошлиғи

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

АСКАРЛАР ЁРДАМГА КЕЛДИ



Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм) ҳарбий хизматчилари Зангиота туманида жойлашган "Қуёшли" маҳалла фуқаролар йиғини, 38-умумтаълим мактаби, 12-мактабгача таълим муассасаси, "Эркин" қишлоқ-врачлик маскани

ва маҳалла аҳли билан ҳамкорликда 18-19 август кунлари ташкил этилган умумхалқ ҳашарида фаол иштирок этишди. Ҳашар бошланишидан аввал МАТБ (15361-ҳарбий қисм) бошлиғи полковник Бекзод Аденов ва "Қуёшли" МФЙ раиси Тўлқин Холиқовлар ҳашарчиларга куч-қувват тилашди. Ҳашарчиларга зарур техника воситалари ва асбоб-анжомлар топширилиб, корхона-ташкилотларга бажариладиган ишлар тақсимлаб берилди.

Шундан сўнг ҳашарчилар биргаликда 38-умумтаълим мактаби, 12-боғча ва "Эркин" қишлоқ врачлик маскани ҳудудлари, маҳалла кўчалари, кўп қаватли уйлар ва бинолар, ҳовлилар атрофи, ариқлар, кўча ва йўлақлар ҳамда болалар майдонча-

ларида тозалаш-ободонлаштириш ишларини олиб боришди, дарахтлар шохларини буталаб, оқлашди. Ободонлаштириш жараёнида тўпланган чиқиндиларни алоҳида белгиланган жойларга олиб чиқиб ташлашди.

Шу кунни маҳалла ҳудудидаги ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, пенсионер ва ногиронлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг уй-жой шароитларини яхшилашга ҳам кўмаклашилди.

Умумхалқ ҳашари давомида бошқарманинг "Импульс" ҳарбий ансамбли томонидан ижро этилган куй-қўшиқлар ҳашарчиларга янада кўпроқ шижоат бағишлади.

Ўз мухбиримиз

САМАРҚАНДЛИКЛАР ҲАШАРДА ФАОЛ ҚАТНАШИШДИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Самарқанд филиали жамоаси 18-19 август кунлари умумхалқ ҳайрия ҳашарида қатнашди.

Филиалнинг компютер инжиниринги, телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факультетларида ҳамда талабалар тураржойи биноларида 120дан ортиқ профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ҳашарда иштирок этдилар.

Филиалнинг 1,3 гектарга яқин майдони ободонлаштирилди, 1200 метр ариқ ва лотоклар тозаланди, 110 тупга яқин дарахтларга шакл берилиб, 700дан ортиқ гуллар экилди.

Дилшод Акбаев, Камол Абдувоитов, Тошқул Сатторов, Султон Ҳақбердиев, Ҳамид Йўлдошев, Дилмурод Амонов, Мавлуда Ҳамидова, Ҳалима Нарзиева каби филиал ходимлари ҳашарда барчага ўрناк бўлдилар.


Умумхалқ ҳайрия ҳашарини ташкил этиш, зарур техника воситалари, керакли асбоб ва материалларни етказиб бериш ва уни қўнғили ўтказишда филиал директорининг молия-иқтисод ишлари бўйича ўринбосари Ҳотам Тугалов бош-қош бўлди.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
"Xabar"нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири

ШАҲАР БЕДАРВОЗА ЭМАС

ПОЙАБЗАЛ ҚУТИСИДАГИ ТЕЛЕФОНЛАР

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси "Ховособод" чегара-божхона постида телефон аппаратларини божхона назоратидан яширинча олиб ўтишнинг набатдаги "усул"и фош қилинди.



Мақсуд пост орқали пиёда кириб келган қўшни давлат фуқароси Л.Қ.га тегиши пакетлар назорат-реентген аппарати кўмагида кўздан кечирилганида, юкларнинг экрандаги шубҳали тасвири божхоначиларни сергак торттирди.

Қарангки, юклар орасидаги пойабзал қутиларида оёқ кийими ўрнига телефонлар яширилган экан. Божхона ходимининг оғзаки савол-жавоби вақтида маълум қилинмаган ва йўловчи божхона декларациясида кўрсатилмаган 3 турдаги 45 дона телефон хорижда ишлаб

чиқарилган бўлиб, сотиш мақсадида олиб кирилатганлиги аниқланди.

Ушлаб қолинган уяли телефонларнинг қиймати дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, 15 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Шунингдек, пост ходимлари шахсий эҳтиёж учун деган ниқоб остида, аслида тижорат мақсадида телевизорларнинг олиб кирилишига доир қонунбузарлик ҳолатини фош қилишди.

Яъни, қонунбузарлар томонидан пост орқали ҳаракатланаётган жисмоний шахслар маъ-

лум бир ҳақ эвазига телевизорларни доналаб ташиш учун ёлланган. Олиб ўтилган телевизорлар эса фуқаро З.М.нинг хонадонига тўплаб борилган.

Тезкор тадбир давомида ушбу хонадонда жамланган уч турдаги 32 дона телевизор автоматшанага ортлаётган вақтда тўхтатиб қолинди. Маълум бўлишича, телевизорлар қўшни давлат фуқароси М.А.га тегишли бўлиб, уларнинг қиймати 24 млн. сўмни ташкил қилмоқда.

Ҳозирда мақсуд ҳолатлар юзасидан текширув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

6 МЕЖДУНАРОДНОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО

ЕДИНАЯ ПЛАТФОРМА

Которая объединит учёных, бизнесменов, инвесторов, новаторов и инновационные идеи Узбекистана и Индии



Делегация Министерства инновационного развития посетила г. Дели (Республика Индия). Цель поездки — предварительное обсуждение и подготовка к подписанию проекта Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Индия о сотрудничестве в научно-технической и инновационной сферах в рамках предстоящего официального визита Главы государства в Индию.

Стороны договорились о направлении предварительного проекта Соглашения индийской стороне на рассмотрение.

Также проведена встреча с представителями из Министерства коммуникаций и информационных технологий Индии с целью обсуждения дальнейшего сотрудничества в области внедрения инноваций в сферу IT-технологий. Индийская сторона выразила готовность оказать содействие во внедрении инноваций в сферу IT-технологий и инновационных идей.

По итогам встречи достигнута договоренность о даль-

нейшем сотрудничестве в области внедрения инноваций в сферу IT-технологий.

Также была организована встреча с компанией SUN OVERSEAS. Представители компании выразили готовность оказать содействие в привлечении в Узбекистан инвесторов в энергетическую отрасль, сферу IT-технологий и инновационных идей.

В рамках программы пребывания делегации Мининновации в Индии также состоялись встречи и переговоры в Национальной корпорации малой промышленности, в Конфедерации Индийской индустрии (CII); в частном университете Amity University, университетском инновационном центре Amity Innovation Incubator; в Центре развития передового вычисления; главой представительства I-Spirit; с главами компаний J Syzygia Consultants и NASSCOM.

В ходе встреч стороны обсудили вопрос рассмотрения и подготовки проекта двустороннего документа, предусматри-

вающего укрепление совместного научно-технического сотрудничества, ускорение процесса коммерциализации научно-технических и инновационных достижений и внедрения их в производство.

Индийская сторона выразила заинтересованность в налаживании двустороннего сотрудничества в сферах формирования электронного правительства (e-governance), телемедицины (e-Health) и дистанционного образования (e-Education).

По итогам визита с индийской стороны достигнута договоренность о создании совместно с представителями государственного и бизнес сектора, науки и производства Индии Узбекско-Индийского инновационного форума (Uzbek-Indian Innovation Forum). Данный форум планируется организовать в форме единой платформы, который объединит учёных, бизнесменов, инвесторов, новаторов и инновационные идеи обеих сторон.

Форум предоставит возможность бизнесменам и инвесторам выбирать перспективные инновационные идеи и инвестировать в них, что принесет выгоду всем сторонам.

В случае успешной реализации данного проекта, предлагается внедрения аналогичной практики и с другими ведущими и развитыми странами мира, к отношениям с которыми Республика Узбекистан заинтересована в сотрудничестве в научно-технической и инновационной сферах.

В ходе встречи, индийской стороной было озвучено, что данный Форум, в дальнейшем, возможно будет преобразован в Узбекско-индийский инновационный фонд. Представители деловых кругов Индии выразили готовность оказать финансовую поддержку по формированию данного фонда.

Также договорились о направлении в Индию в рамках Программы индийского технического и экономического сотрудничества (ИТЭС, ИТЕС) на безвозмездной основе для прохождения зарубежной стажировки специалистами научно-исследовательских организаций и ВУЗов, работников структурных подразделений органов государственного и хозяйственного управления, ответственных за инновационное развитие соответствующей сферы или отрасли, а также представителей частного бизнеса.

Координатором данного проекта с узбекской стороны предложено определить Министерство инновационного развития.

ПРОЕКТ

СОВЕРШЕНСТВУЮТСЯ МЕХАНИЗМЫ ДОСТАВКИ И ОСУЩЕСТВЛЕНИЯ ПЛАТЕЖЕЙ В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ УЗБЕКИСТАНА

Министерство по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан разместило для обсуждения проект Постановления Кабинета Министров «О

совершенствовании доставки и осуществления платежей в электронной коммерции».

Проект постановления разработан во исполнение пункта 2 Программы мер по развитию

электронной коммерции в Республике Узбекистан на 2018-2021 годы, утвержденной постановлением Президента Республики Узбекистан от 14 мая 2018 года ПП-3724 «О ме-

рах по ускоренному развитию электронной коммерции».

Обсуждение проекта Постановления стартовало 20 августа и продлится до 4 сентября 2018 года.

АНОНС

E-COMMERCE DAY UZBEKISTAN 2018 ПРОЙДЕТ В ТАШКЕНТЕ

6-7 ноября Ассоциация Электронной коммерции Узбекистана впервые проводит в Ташкенте E-commerce Day Uzbekistan 2018 — конференцию по электронной коммерции Узбекистана.

На официальном странице в Фейсбук организаторы сообщают:

E-commerce Day — это:

— отраслевая конференция, где всё посвящено электронной и только электронной коммерции;

— аналитика и прогноз развития интернет-торговли Узбекистана и всего мира;

— зарубежные специалисты e-commerce-индустрии, которые придут в Ташкент поделиться опытом, и ответить на все ваши вопросы;

— Впечатляющие кейсы и работающие идеи от практиков из нескольких стран.

Программа конференции охватит важные темы: маркетинг, логистика, налогообложение, таможенные вопросы, инвестиции и многое другое.

E-commerce Day — конференция для: — представителей ритейла и электронной торговли;

— провайдеров услуг для интернет-торговли;

— инновационных и IT-компаний.

Зачем участвовать?

— получить полезные знания в электронной коммерции;

— научиться продавать с помощью интернета;

— наладить нужные и важные контакты;

— поучаствовать в уникальном событии для Узбекистана.

Совсем скоро запускается сайт www.ecomday.uz.

“ҚОНЛИ ГУЛЛАР ВОДИЙСИ: МАДАМИНБЕК”

романи ёзилиши тарихи хусусида муаллиф билан суҳбат



Муаллиф ҳақида

— Роман ёзилиш тарихи қандай бўлган?

— Романни ёзишдан аввал унинг тахминий сюжети, кўриниши, бўй-баста бор эди. Уни қандай бадийлаштириш, рамзий воқеалар ҳаммаси миямда айланарди. Жумладан, мен айтмоқчи бўлган асосий гоёни қимга юклатиш, уни тарихий воқеалар асосида бериш ҳаёлимда ўз-ўзидан ривожланарди. Кўз унгимда кўрбошилар гавдаланар, бир-бирлари билан суҳбатлашишарди, жанг сахналари ўтарди. Шу тариқа, Абдулла Қодирий домла айтганидек, “ҳавасимда жасоратландим”. 2003 йил январда асарнинг дастлабки бобларини қорозга тушира бошладим. Кўндалаги “Даҳмаи Шоҳон” қабристонини. Ундаги янги қабр. Романнинг бош қаҳрамонларидан бири Мақсудбек Иброҳимбек ўғлининг отаси қабри пойида кўз ёшлари. Қўндалаги қирғин, хунрезлик. Яқинда мадрасани тамомлаб, отасининг пахта заводини қуриш орзусида юрган шоиртабиди йигитнинг қўлига қурол олиши ва Фарғонанинг энг йирик кўрбошиси Муҳаммад Аминбек Аҳмадбек ўғли — Мадаминбекнинг хизматига кириши ёзилди. У ёни энди тарихий манбалар асосида ёши давом эттирилади.

Аслида, юрт ва миллат қайғусида майдонга чиққан мард бек боболар ҳақида сўз айтганда доимо бир нарсани истихолода ушлаб турарди: уларнинг тарихини, кечмишини, орзу-армонларини тўғри етказиб бера олармиканман? Шунча вақт ёмонотлик қилинган асл фидойиларни, миллат жанкурларининг сиймосини ҳолис ёрита оламаним-йўқми? Буни қанчалик удаладим, хурматли ўқувчиларнинг ҳукмига ҳавола.

— Роман бош қаҳрамони, Фарғона кўрбошиларининг сардори Мадаминбекнинг бошқа буюк аждодларимизга ўхшаш томонларини борми?

— Тарихимиз буюк аждодларга тўла. Жаҳон тарихидаги сиймолардан кўп жиҳатларидан фарқ қилишди. Масалан, Амир Темур бобомиз нафақат моҳир саркарда, балки дин ҳимоячиси, илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида майдонга чиқди. Буюк Бобурийлар салтанатини тузган Заҳриддин Муҳаммад Бобур жасур жангчи, зукко қўмондон ва айни вақтда, нозиктаб шоир бўлган. Мен тарихини ёзишдан бел бозлаган Мадаминбек эса, истиқлол курашини бўлиш билан бир қаторда, ҳассос шеш муҳлиси ва ҳофиз қўрьон бўлган. Вақти келганда жангларида аёвсиз курашган, душманга нисбатан мурасасиз бўлган, вақти келган-

да Фузулийнинг девонини ва рақлаган, кўрғондаги хос ҳужрасига чекиниб қўрьон тиловат қилган.

Асарда шундай эпизод бор. Матнини келтираман:

“...Амирлашқарнинг ҳамон машварат хонасидан чиқмаётганидан хавотирланган Мақсудбек эшикнинг ёнига келиб, аста очди-ю чироқ қаршида чўқур ҳаёлга ботган, қошлари уюлиб, ўртасида тугучка ҳосил бўлган Мадаминбекни кўрди. У Мақсудбекнинг қараб турганини сезмади. Сезданган аҳволда ҳам эмасди. Мақсудбекнинг ёнига Мадрасайи Мирда толиби илмида хатм қилган “Тарихи Алимқули амирлашқар”даги воқеа тушди. Хоннинг оталиги Алимқули амирлашқар уч кеча-ю уч кундуз Тошканд ўрдасидаги хонасидан чиқмай, Қонғиреа қимчи ноиб қилиб тайинлаш масаласида бош қотиради. Чироқ қаршида уйга чўмган Мадаминбекнинг сиймосида у Алимқули амирлашқарнинг қисмати ўқигандек бўлди. “Миллат юки елкасига тушган саркардаларнинг қисмати ҳам ўхшаш экан!” — туйқус кўнгалдан ўй ўтди. У Мадаминбекка ҳалақит бермаслик учун эшикни аста ёнди. Амирлашқарни ҳаёллари билан яна ёнгиз қолдириди...”

Романда ёзилганидек, миллат юки елкасига тушган саркардаларнинг қисмати ҳам ўхшаш, ҳайратланарлиси, ўша аждодларимизнинг қисмати Мадаминбек ҳам шерик бўлганини кўришимиз мумкин.

— Тарихий асарларни ёзиш машаққатли иш. Тарихий манбаларни ўрганиш, уларни ягона тизимга солиш оғир кечмаганми?

Романда ёзилганидек, миллат юки елкасига тушган саркардаларнинг қисмати ҳам ўхшаш, ҳайратланарлиси, ўша аждодларимизнинг қисмати Мадаминбек ҳам шерик бўлганини кўришимиз мумкин.

— Тўғри, тарихий мавзуда ёзиш осон эмас. Эмин-эркин ёзмайсиз, маълум тарихий ҳақиқат асосида воқеаларни тасвирлайсиз. Миллий-истиқлоллик ҳаракати нисбатан яқин тарих. Биргина болшевиклар ва шўро ҳукумати қарши кураш 1917-1938 йилларни ўз ичига олади. Бу даврни талқин этган жуда кўп академик наشرлар — монографиялар, китоблар, тўпламлар, мемуарлар эълон қилинди. Архивларга ўша давр ҳужжатлари киритилди. Мавзунинг ёритилиш нуқтаи назаридан бу наشرларни иккига бўлсак бўлади: собиқ шўро ва мустақиллик даври адабиётлари. Шунингдек, хорижда чиқиб кетган ватандошларимизнинг ҳам асарлари бўлган. Айнан улар ва мустақиллик даврида эълон қилинган адабиётларни ҳолис десак бўлади. Сабаби, шўро тарихчилиги қоралаган бу ҳаракат ва унинг қаҳрамонлари айнан мустақиллик даврида оқланди. Имкон қалар барча манбаларни, архив ҳужжатларини ўрганишга ҳаракат қилди. Улар асосида истиқлол учун курашнинг асосий қаҳрамонлари ва жараёنларини ўйида тиклашга уринди. Романнинг узоқ муддат ёзилиши сабаби ҳам шунди. Манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш анча вақт олган. Одатда тарихий асарлар шундай ёзилди. Жанг бўлган жойларни бориб кўрдим, тарихий жойларни ўргандим.

— Бу изланишларда барибир қимдандир ёрдам сўрагансиз, маслаҳатлагансиз. Шу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, тарихчиларнинг ёрдами катта бўлган! Жумладан, ЎзР ФА Тарих институти профессори Қаҳрамон Ражабов, Андижон давлат университети профессори Рустамбек Шамсутдиновларнинг маслаҳатларини олдим. Мен роман ёзилишида Қаҳрамон Ражабовнинг катта ёрдамини алоҳида эътироф этишим керак. Қаҳрамон ака асар қўлёзмасини қайта-қайта ўқиб чиқдилар, маслаҳатлар бердилар. Шунингдек, Алишер Навоий номидagi адабиёт музейи катта илмий ҳодими Отабек Жўрабев қўлёзamani ўқиб, таҳрир масалаларида ёрдамларини аямдилар. Фурсатдан фойдаланиб, бу инсонларга ўз миннатдорлигини билдирмоқчиман.

— Ўзро суҳбатларда роман анча йиллар босилмаганини айтиб ўтган эдингиз. Нега бундай бўлди?

— Романни 2003-2009 йилларда ёздим. 2009 йилда роман қўлёзмасини бир неча давлат ва хусусий нашриётларга олиб бор-

Бохтиёр РАСУЛОВ (Бахтиёр Абдуғафур) 1980 йили Қашанган вилоятининг Ўйчи тумани Ёрқўрғон қишлоғида туғилган. Биология фанлари номзоди, катта илмий ходим. Айни пайтда Ўзбекистон Фанлар академияси Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти микроорганизмлар биотехнологияси лабораторияси мудири вазифасида ишлаётди.

Б.Расулов жуда кўп илмий ишлар, тадқиқотлар муаллифи, халқаро лойиҳалар фаол қатнашчиси. Хитой, Япония, Швейцария каби мамлакатларда маъруза ўқишга қаққилган.

У 100га яқин илмий, илмий-олимабон мақолалар эълон қилган, битта патент муаллифи. — биринчисида ўтса-ўтадиган, асло қолишмайдиган саҳифасини очамиз: бадийи ижод.

Шу кунгача “Қонли гуллар водийси: Мадаминбек”, “Султон Жалолиддин Мангуберди”, “Ўзбек тарихий романлари, болалар ва ўсимлар учун “Оламлар кураши. Малиҳанинг машғум битиги” эртақ-қисаси, “Ақилбегларлар жанги”, “Олтинчи йўлак”, “Қуёни Мағрибга ботади” қиссалари эълон қилинган. “Шарқ юлдузи”да эълон қилинган “Кибр минораси” асари 2015 йилнинг энг яхши қиссасидея эътироф этилди. Даврий наشرлар, жумладан, “Шарқ юлдузи”, “Ёшлик журналлари”, “Китоб дунёси”, “Сўғдиёна”, “Бекажон”, “Даракчи” каби газеталарда насрий асарлари бериб боришмоқда.

дим. Ҳеч қанси нашриёт босмади. Давлат нашриётдагилар очигини айтишди: “Мавзу қалтис, мумкин эмас!”. Хайрон бўлардим, нимаси қалтис бўлиши мумкин?! Истиқлол учун курашган бек йигитлар ҳақида бўлса, бу дорилмомон қунарла халқимиз осонлик билан етиб келмаган бўлса! Ўша нашриёт муҳаррирлари менсимай гаплашганини ҳалиям эслайман. Хусусий нашриётлар наشرининг пулини тўласам чиқариб берамиз, дейишганди. Ўша кезлари романини чиқара олмаслигимга ишонгандим. Ноширларнинг ўз режаси бор, менда эса пул йўқ. Бундан ташқари, тирикчилик, рўзгор деган гаплар бор. Орада Исроилда Бей Гурион университетида микро-биология ихтисослиги бўйича магистратурада ўқийдм, 2012 йилдан Хитой Фанлар Академиясининг физика-кимё институтида нанобиотехнология бўйича илмий ишлар қилишди. Номзодлик диссертациясини ёқладим. Барибир кўнгалимнинг бир чети романини наشر қилиш истати чўғ бўлиб турар, тинчлик бермасди.

2015 йилда роман қўлёзмасини Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси наср кенгашига топширдим. Кенгаш раиси Абдуқомил Йўлдошев асарни мақтаб, наشر учун

тўлиғи берди. Қўлёзма ва тавсия хатини бир давлат нашриётга топширдим. Бу ерда ҳам пайсалга солинаверди. “Академнашр” нашриёти раҳбари Санжар Назар ақининг ёрдамида 2018 йил бошида, ёзилганидан салкам ўн йил утиб роман дунё юзини кўрди.

— Яна бир тарихий асарингиз “Султон Жалолиддин Мангуберди” романи “Шарқ юлдузи” журналича наشر этилмоқда. Бу ҳақда ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Мадаминбек ҳақидаги романимни якунлаганимдан сўнг Ануштегин Хоразмшоҳлар хонадонининг буюк вақили, мард аждодимиз султон Жалолиддин Мангуберди ҳақида асар ёзишга киришдим (2009 йил). Ўтган йили романининг биринчи китобини тугатдим ва шу йилнинг бошидан “Шарқ юлдузи” журналича эълон қилина бошланди. Насиб қилса, тез орада китоби ҳам наشر этилади.

— Мазмунли суҳбатингиз учун катта раҳмат...

— Фурсатдан фойдаланиб, сизга ва “Хабар” ижодкорларига миннатдорлигини билдираман. Ишларингизда омад, ютуқ ва муваффақиятлар тилайман.

Шухрат САТТОРОВ
суҳбатлашди

БЕЛЛАШУВГА ТОШКЕНТ ШАҲРИ ЖАМОАСИ ТАЙЁР

"Bilim" ахборот-кутубхона марказида анъанавий "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" республика кўриктанловининг 2-шаҳар босқичи бўлиб ўтди.



Сардор
Тўхтаев
республика
миқёсида
ўтказиладиган
танловда
қатнашадиган
бўлди.

Танловнинг биринчи куни Тошкент шаҳар "Bilim" ахборот-кутубхона маркази, олий ва ўрта махсус таълими тизимидаги коллежлар, халқ таълими тизимидаги мактаблар, Маданият вазирлиги тизимидаги Марказий кўзи ожизлар кутубхонасида ўтказилган "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" республика кўриктанловининг биринчи босқичида голибликни қўлга киритган мутахассислар иштирок этишди.

Кўриктанлов низомда белгиланган мезонлар асосида, адолатли ҳамда шаффофлик тамойилига тўлиқ амал қилган ҳолда, жиддий тайёргарлик асосида ўтказилди.

Танлов натижаларига кўра ўзининг фаоллиги, эришган ютуқлари, билими ва тажрибаси билан ҳамда танлов мезонларига, шартларига ижодий ёндашган Тошкент шаҳар "Bilim" АҚМ ахборот-библиография бўлими етакчи мутахассиси Мадина Ҳожиакбарова, Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси

бош мутахассиси Ҳилола Аҳмедова, Олмазор туманидаги 191-мактаб кутубхоначиси Ширин Зарипова, Тошкент тиббиёт коллежи АҚМ етакчи мутахассиси Наргиза Ибрагимовалар энг юқори балл тўплаб, кўриктанловнинг 2-босқичи голиблари деб топилди ва республика кўриктанловининг 3-босқичида иштирок этиш имкониятини қўлга киритишди.

Танловнинг иккинчи куни олий таълим тизимидаги ахборот-ресурс марказлари мутахассислари қатнашди. Иштирокчилар ўзи фаолият олиб бораётган муассаса ҳақида ва шахсий иш фаолияти, фойдаланувчиларга ахборот етказишдаги инновациялар, ахборот-коммуникация технологиялари қўникмаларига эга бўлиши ва фойдаланиш, ахборот-кутубхона соҳасига оид

ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга оид билимга эгаллиги, ўзбек ва жаҳон адабиёти намояндалари ва уларнинг асарлари тўғрисидаги билимлари, китоб тарғиботи бўйича тадбирлар ўтказишдаги иштироки ва чет тиллари қўникмаларига эга бўлиши даражаси каби мезонларни қамраб олган уч тур асосида ўзаро беллашди. Кўриктанлов жуда кўп савол-жавоблар ва жиддий баҳс-мунозаралар асосида бўлиб ўтганлиги соҳада янада кўплаб ишларни амалга ошириш, кадрларимиз янада ўз устида ишлаши, тинимсиз ижодий изланишлари кераклигини исботлади.

Танловнинг биринчи турида кутубхоначининг ташариф қоғози, муаллифлик ижодий ишлари, лойиҳалари, тадбирларнинг режалари ёки дастурлари, тавсиялар, мақолалар каби маълумотлар тақдим этилди. Китобхонлик маданияти ва китоб мутолаасини янада такомиллаштиришга қаратилган инновацион ғояларнинг долзарблиги, мавзунинг тўлиқлиги, образлилик, ғоянинг ўзига хослиги, ижодий ёндашуви, истиқболлиги, амалиётга жорий этиш ва ижтимоий аҳамиятлигига алоҳида эътибор берилди.

Тошкент шаҳридаги олий таълим тизимидаги АҚМ мутахассислари ўртасида ўтказилган "Ахборот-кутубхона муассасасининг энг яхши мутахассиси" республика танловининг 2-босқичи бўйича иштирокчиларнинг тўплаган баллари натижаларига кўра:

1-ўринга — Ўзбекистон

давлат жаҳон тиллари университети АҚМ етакчи мутахассиси Сардор Тўхтаев;

2-ўринга — Тошкент педиатрия тиббиёт институти АҚМ етакчи мутахассиси Наргиза Ғофурбекова;

3-ўринга — Ўзбекистон миллий университети АҚМ етакчи мутахассиси Севара Маҳмудовалар муносиб деб топилди.

Голиблар Тошкент шаҳар "Bilim" АҚМ томонидан фахрий ёрлик ва совғалар билан тақдирланди.

Сардор Тўхтаев республика миқёсида ўтказиладиган танловда қатнашадиган бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан жорий йилнинг октябр-ноябр ойларида ўтказиладиган "INFOLIB" Миллий ахборот ҳафталиги доирасида бўлиб ўтадиган кўриктанловнинг якуний босқичида Тошкент шаҳри шарафини ҳимоя қилувчи вакилларимизни танлаб олдик. Беш жамоа аъзосига белгиланган мезонлар асосида ўз истеъдодлини, қобилиятини, соҳани ривожлантиришга оид, мамлакатимиз аҳолисига ва айниқса, ёшларга замонавий ахборот-технологияларига таянган ҳолда тез ва сифатли ахборот етказишга қаратилган инновацион ғоялари билан фақат юсак чўққиларни забт этишига ишонч билдирамиз ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ҳафиза КАРИМОВА,
Тошкент шаҳар "Bilim"
АҚМ директори






Муваффақият — бу ерга урилгач, иложи борица баландроққа сакраш дегани.

Жорж Паттон

МУВАФФАҚИЯТ ҚОЗОНИШ НИМАНИ АНГЛАТАДИ?



Кимдир бу дунёга ўзгариш учун келади. Кимдир ҳаёти чоғида дунёни ўзгартиради. Кимдир эса, ҳар кунни ўзгаради. Бизнинг кундалик саяё-ҳаракатларимиз, мақсадимиз бахтиёр яшашни кўзлайди.

Бахтиёрлик — меҳнат туфайли рўй берадиган ҳодиса. Одамларнинг айтишича, пул — бахтнинг калити эмас. Лекин агар пулингиз бўлса, сиз мана шу бахт калитини ясаб олишингиз мумкин. Аслида мол-дунёга эғалик қилиш бахт дегани эмас.

Бахтиёрлик — бу яратувчанлик ҳиссидан лаззатланишдир. Муваффақият эса, мана шуни ҳис қилиш. Ҳадеб бахт излаганинг билан бахтиёр бўлиб қолмайсан. Ҳаётдан фақатгина маъно изласанг, яшай олмайсан.

Бир қараганда ҳаётда муваффақият қозониш, голиб бўлиш оддий ҳодисага ўхшаб кўринади. Шунчаки шууринг-даги "голиб бўлиш тугмаси"ни босасан ва довораклик билан олға бораверсан. Албатта, голиб бўлиш доимо ҳузурбахш. Бироқ, голиблик бу — мақсаднинг моҳияти эмас. Мақсаднинг моҳияти — бу голиб бўлиш учун ичимизда уйғонган истак, орқага чекинмаслик руҳидир.

Ҳар ким муваффақият омилини ўзинча тасаввур қилади. Ким учун муваффақиятнинг ягона сирини одамларнинг кўнглига йўл топиш бўлса, бошқалар учун эрта уйғониш, қаттиқ меҳнат қилиш — бу муваффақиятнинг таркиби.

Муваффақиятли инсонлар муваффақиятларининг муҳим омили сифатида уларнинг ҳаётларида муҳим ўрин эгаллаган инсонларни айтишади. Хусусан, XX асрнинг атоқли сиёсатдонларидан бири бўлган Ҳаролд Макмилланнинг фикрича, бирор бир эркак аёлни эътиборсиз муваффақият қозона олмайди. Бу она ёки турмуш ўртоғи бўлиши мумкин. Агар эркак уларнинг иккаласидан ҳам меҳр-эътибор олиб турса, демак Худо уни икки марта омадли қилиб яратган экан.

Аксарият муваффақиятли инсонлар ҳаётини синчиклаб ўргансангиз, ҳаёт уларни қийинчиликлар билан қанчалар тоблаганини кўрасиз. Уларнинг аввалги ва кейинги ҳаётларини солиштирар экансиз, туннинг энг қоронғу лаҳзалари тонг отишидан бир неча дақиқа аввалроқ содир бўлади, деган ҳикматни англайсиз. Сиз муваффақият етти марта кулаб, саккизинчи марта оёққа туриш эканини тушуна бошлайсиз.

Муваффақият қозониш ким учундир улкан бойликка эга бўлишни аналтаса, айрим инсонлар наздида муваффақият, бу — ўз соҳасида тан олиниш демак. Одамларнинг аксарияти учун саломатлик ҳам муваффақият. Ким учундир оилавий бахт, ўз ишидан қаноатланиш ҳамда хотиржам умргузаронлик қилиш муваффақиятдир.

Нера муваффақият омадсизлик билан бошланади?

Аксарият муваффақиятли инсонлар бахтсизлик, омадсизлик туйғуларини бошқалардан

кўра яхшироқ биладилар. Бу одамлар уларни машаққатта рубарў қилаётган ҳаётнинг заргар, ўзларини қимматбаҳо тош эканини англайдилар ва жилоланиш учун машаққатларни кучоқ очиб кутиб оладилар. Яъни, ҳаёт зарба бергани сайин ўзининг олмос билсанг, заргар шакл бераётган тош каби, қадринг ошиб бораверади. Ҳар нарсда бир ҳикмат кўриш ҳам инсонни тушунликдан асрайди, ишончини оширади.

Ҳаёт бундай синовлар билан сийлаганларни кўплаб топиш мумкин. Мисол учун, номи олдидан "америкалик", "хитойлик", "гонконглик" деган нисбатлар бериладиган актёр Жеки Чаннинг болалиги ҳам ҳавас қиларли даражада ўтган эмас. Хитойдаги фуқаролар уруши боис ота-онаси мамлакатни тарк этиб, Австралияга йўл олади. Жеки эса 6 ёшида махсус интернет-мактабга топширилади. Айнан мана шу аччиқ айрилиқ унинг тақдирини ўзгартириб юборди. Чунки у мазкур мактабда жанг санъати ва акробатикани ўрганади. Фаолиятини Брюс Лининг фильмларида каскадёрликдан бошлаган Жеки Чан устозининг ўлимидан сўнг бир неча киноларда суратга тушади. Бироқ у тақдир қилишдан тўхтаб, кураш санъати ва комедияни бириктириб олганидан сўнг жаҳоннинг энг олди ва қиммат актёрларидан бирига айланди.

Тасолифни қарангки, буюк математик олим, замонавий физика назарисининг асосчиси, XX асрнинг беқиёс даҳоси, Нобел мукофоти

соҳиби Эйнштейн ҳам муҳожирликда умр кечирган. Германия ҳукумати нацистлар партияси ихтиёрига ўтгач, ҳатто Эйнштейннинг боши учун катта пул ҳам тикилади. Физикнинг кўплаб қўлёзма-китоблари Гитлернинг гулханларида ёқиб юборилади. Немис яҳудийси экани унинг тақдирини ўзгартириб юборади, олим 1933 йилда АҚШга кўчиб кетади. Аммо тақдирнинг бу беқарорликлари унинг буюк олим бўлиб етишишга тўсқинлик қила олмади.

"Рақамли технология отаси" деб ном қозongan Стив Жобснинг ҳақиқий ота-онаси ундан воз кечишган. У бошқа ота-она қўлида асранди сифатида улғайган бўлса ҳам, гарчи, асраб олган ота-она уни ўзи хоҳлаган коллежда ўқитиш учун пул топа олишмаган бўлишса ҳам, Стив Жобс жаҳоннинг энг қиммат ва қудратли компаниясига асос солди.

Самолда парвоз қилаётган паррак шамолга қарши учаётгани учун ҳам баландга кўтарилади. Ҳаётда ҳам шундай — рад қилиниш, тан олинмаслик, адолатсизлик, машаққат ва муаммолар оқибатида жисмингизда ва руҳингизда юзага келган куч сизни олға бошлайдиган қувватга айланади. Шунда сиз кун келиб ўзингиз орзу қилган чўққини забт этасиз. Ҳаёт сизни қанчалар қаттиқ ерга урса, сизла шу қадар баландга сакраш имкони пайдо бўлади.

Тугилишининг ўзи голиблик Модомикки, бу ҳаётга келган ҳар ким Ерда ўзининг вазифасига

эга бўлар экан, демак барчага муваффақиятли бўлиш, яъни галаба қозониш имкони ҳам берилган. Муваффақиятсизликка учраган инсоннинг омади шундаки, унинг хатолари қаршисидан кўзгудаги каби акс этади, рўй-рост унга тикилиб турган бўлади. Бироқ, ҳамма бу хатолардан муваффақият ясашга қодир эмас. Боиси, ҳаммада ҳам ҳулоса чиқариш ҳисси бўлмайди.

Хато ва камчиликларимиз кўз олдимизда турганида биз бошқа нарсани — қўлдан бой берилган имкониятни, наф ёки каттароқ фойдани ўйлаймиз, бундан ранжиб, тушкунликка тушамиз ёки қаттиқ ранжиймиз. Мана шу дақиқаларда инсон танлови унинг тақдирини ўзгартириб юборади: сиз шу вақтда ҳафсала топиб қайта курашга киришасиз ёки ҳаммасини йиғиштириб, олдатадигай яшашда давом этасиз.


Яна бир муҳим жиҳати бор. Мағлубиятга учраб азоблансалар ҳам, яшаш учун курашиб, зулмат исканжасидан ёруғликка етиб келган одамлар аслида энг кўркем ва муносиб инсонлар бўлиб камолга етадилар. Улар одамларни осон тушунадилар, ҳис қиладилар, мулоимлик ва жонқуярлик билан бошқаларнинг ярасига малҳам бўлишга интиладилар. Бундай одамларнинг камол топиши ҳаётнинг ноёб ҳодисаси. Ҳаёт уларни тарбиялаш учун ҳам муваффақиятсизликлар билан мукофотлайди.

Шухрат САТТОРОВ

Мағлубиятга учраб азоблансалар ҳам, яшаш учун курашиб, зулмат исканжасидан ёруғликка етиб келган одамлар аслида энг кўркем ва муносиб инсонлар бўлиб камолга етадилар.

IPHONE Xдан НИМАСИ КАМ?

Бугунгача ишлаб чиқарилган энг яхши смартфон қайси? iPhone X?.. Албатта, номдорликда ҳозирча "айфон"га ҳеч ким ета олгани йўқ, аммо Bild нашрининг ёзишича, шундай смартфонлар ҳам борки, улар айрим техник хусусиятлари билан номдор рақибни ҳам бир четга суриб қўйиши мумкин.



КАТТА ХОТИРА

Samsung Galaxy Note 9 (наpxи 999 евродан бошланади) 512 ГБ ўрнатилган хотира билан чиқариляпти (!), тасаввур қилинми, бунақа хотира кўп компютерларда йўқ. Бу хотирани microSD карта ёрдамида 1 ТБгача ошириш мумкин (!). Комплектидаги стилус эса смартфонни ишлатишни анча осонлаштиради.

ЯХШИ КАМЕРА

Сунъий интеллект сабаб янги Huawei P20 Pro (наpxи 699 евродан бошланади) айнан нимани суратга олишни автомат равишда аниқлаб, камера созулмаларини ҳам автомат тарзда мослаштириб беради. Камераси оқ-қора сенсор ва уч каррalli оптик зум билан таъминланган.

СИФАТЛИ ОВОЗ

LG G7 ThinQда (наpxи 520 евродан бошланади) резонансли камера паст частотали динамик вазифасини бажаради — кучли овозни ҳосил қилишга қўшимча динамик керак эмас. Ҳатто оддий наушник орқали ҳам 7.1 каналли ижро таъминланиб, DTS:X 3D Surround Sound эффектига эришиш мумкин.

КУЧЛИ БАТАРЕЯ ВА ЧИРОЙЛИ ДИЗАЙН

Кучли батарея ўрнатилган, ўзига хос дизайнга эга Huawei Mate RS Porsche Design (наpxи 1695 евродан бошланади) Apple iPhone Xдан ҳам қиммат, тинмай фойдаланилса ҳам қуввати икки кунга етади. Бу қурилмага бармоқ излари сканерининг энг яхшиси ўрнатилган — у дисплейнинг қоқ ўртасида жойлашган.

ҚУЛАЙЛИКЛАР

Motorola Moto Z3 Play смартфони (наpxи 459 евродан бошланади) Moto Mod аксессуарларини ўрнатиш учун магнит интерфейсига эга, проектор, геймпад, 360° камера, 8 каррalli оптик зумга эга.

ХАКЕРДАН МАСЛАҲАТЛАР:



Қандай қилиб мураккаб паролни яратиш ва уни осонгина эслаб қолиш мумкин?

Деярли ҳар кун хакерлар ижтимоий тармоқлардан тортиб, Apple ID ва iCloud билан тугайдиган турли хизматларга мурожаат қилувчи қайд ёзувларини бузиб киришади. Бузиб киришнинг асосий усули эса аввалгидек паролларнинг турли вариантларини териб кўришдир (brout-force).

Ушбу турдаги ҳужумдан ҳимояланиш эса жуда осон — бунинг учун шунчаки мураккаб паролни қўллаш етарлидир. Бир қарашда унчалик қийин бўлмаган ушбу вазифа, одатда узун паролларнинг эсда қолиши осон эмаслиги туфайли мураккаблашади.

Эътиборингизга "xkcd" дастурчисидан мураккаб паролни ўйлаб топиш ва уни осон эслаб қолишнинг оддий усулларини тақдим этамиз.

Ушбу усуллар ҳақида бевосита гапиришдан олдин,

келинг, паролларни яратиш бўйича умумий маслаҳатларни эслатиб ўтсак. Эҳтимол, ҳар бирингиз ушбу ёки шунга ўхшаш тавсияларни рўйхатдан ўтишингиз керак бўлган хизматлар ва сайтларда кўргансиз, аммо фойдаланувчиларнинг 90 фоизи бунга бепарволик билан қарайди:

1. Паролнинг узунлиги 12 белгидан кам бўлмаслиги керак. Парол қанчалик катта бўлса, уни бузиш шунчалик қийин эканлиги эса ҳеч кимга сир эмас. Узунлиги 12 белгидан иборат бўлган парол қайд ёзувларингизни ҳар қандай хакерлар ҳужумларидан ишончли ҳимоя қилади.

2. Рақамлар, белгилар, катта ҳарфлардан фойдаланинг. Паролни териб кўриш ёрдамчи дастурлари "catsanddogs" каби паролни нисбатан тез аниқлай олади, "C@tsAndD0g\$123" паролни билан эса муаммага дуч келиши аниқ.

3. Сўзларни қўлламанг. Паролда оддий луғавий сўзлардан фойдаланмасликка ҳаракат қилинг. Бирор сўзга алоқаси бўлмаган ҳарфлар тўплами эса муайян бир сўздан, ҳаттоки у узун бўлса ҳам — кучлироқдир.

Кириш қисмидан ўтиб олдик, энди оддий, самарали ва унчалик маълум бўлмаган усулларга ўтамиз.

Мураккаб паролни ўйлаб топиш ва уни эслаб қолиш-

нинг биринчи усули

Юқорида келтирилган маслаҳатлар мураккаб паролни осонгина ўйлаб топиш имконини беради, бунинг учун клавиатура клавишларини шунчаки тартибсиз босиш орқали тахминан қуйидагини киришти мумкин: "asfpokdhk3251kh". Бундай олиб қараганда, бу жуда яхши вариант, оддий компютер фақат чуқур назария орқали бу каби паролни бузиши мумкин. Аммо бундай паролни эслаб қолиш муаммолidir.

"xkcd" томонидан таклиф қилинган биринчи усулнинг мазмуни, парол сифатида фақатгина сизнинг ёдингизда туриши мумкин бўлган бутун жумладан фойдаланиш

билан боғлиқ. Албатта, фақатгина парол кўринишига келтирилган жумлани. Ушбу жумла таркибида эса ҳар қандай нарса бўлиши мумкин: ҳаётингизнинг қайсидир бир они, муҳим воқеа, қўшиқдан жумла ва ҳоказо.

Масалан, "Жонон бўламан деб" миллий қўшиғимиздаги "Жонон бўламан деб ҳаммани куйдиранму, куйган бу факирларни яна ёндиранму" жумласи доим ёдингизда туради. Қўшиқ парчасидаги ҳар бир сўзнинг бош ҳарфларини олиб, уларни парол сифатида ишлатинг. Натижада — "Jbdhk.kbfyy" ҳосил бўлади. Бу каби паролни бузиш учун замонавий компютерга 33 йил талаб этилади. Паролнинг охирида бир нечта рақам, ҳеч бўлмаганда, оддийгина қилиб "123" қўшилса, унда ҳосил бўлган "Jbdhk.kbfyy123" комбинацияси учун компютер 33 аср вақт ажратишига тўғри келади!

Қўриб турганингиздек, бунинг ҳеч қандай мураккаб жойи йўқ, лекин бундан ҳам қулайроқ усул мавжуд, бу ҳақида яна тўхталамиз. IT-маслаҳатларимизни кузатиб боринг!

Шухрат МАҲМУДОВ



Ҳамюртларимизни
Мустақиллик куни билан
самимий қутлаймиз!

Истиқлол айёми арафасида
сизларга энг самимий тилакларни
йўллаётганимиздан бахтиёрмиз!



“ЎЗАЛОҚАКОНСАЛТИНГ” МЧЖ
ЖАМОАСИ

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

ФАРҒОНА ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ

Тобора яқинлашаётган
ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
27 ЙИЛЛИК байрами билан
самимий қутлайди.



Қадрли ҳамюртлар!
Шундай улғ ва муборак кунда сизларга
табрик йўллаётганимиздан мамнунмиз.

“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ” АК

ЖАМОАСИ

**Энг улғ, энг азиз айём —
Мустақиллик куни билан
табриклайди.**



Байрам нафаси ҳамжиҳат
халқимиз турмушига фаровонлик,
тинчлик-осойишталик олиб кирсин!

Азиз юртдошлар!
Озод диёримиз мусаффо
осмони узра ҳуррият қуёши
тоабд нур сочиб тураверсин!



**Байрам барчангизга
муборак бўлсин!**

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК

САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ



www

ИНТЕРНЕТДАГИ ДОМЕН НОМЛАРИ
СОНИ 339,8 МИЛЛИОНТАГА ЕТДИ

Домен номлари ва интернет хавфсизлиги масалалари билан шуғулланувчи VeriSign компанияси маълумот беришича, 2018 йил иккинчи чораги якунига келиб рўйхатга олинган юқори даражали домен номлари сони 339,8 млн.дан ошди. Биринчи чоракка нисбатан ўсиш 1,8 фоизни (6 млн. янги домен) ташкил этди. Йиллик ўлчамда эса рўйхатга олинган номлар сони 7,9 миллионга кўпайиб, 2,4 фоизлик ўсиш қайд этилди.

Иккинчи чорак охирида .com (135,6 млн.) ва .net (14,1 млн.) зоналарида 149,7 миллионга фаол домен номлари бор эди.

Иккинчи чоракда .com ва .net зонасида 9,6 миллионга янги домен номи рўйхатга олинди.

ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАР

FACEBOOK
ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР
ИШОНЧЛИЛИГИНИ
БАҲОЛАШ ТИЗИМИНИ
ЖОРИЙ ЭТДИ

Facebook ижтимоий тармоғи фойдаланувчилар обрўсини баҳолаш тизimini жорий қилди, унда ишончлилик даражаси нолдан бирга қадар бўлган шкалада аниқланади.

Ёлгон ахборот тарқатиш билан кураш департаменти раҳбари Тесса Лисоннинг маълум қилишича, шкала сохта янгиликлар билан кураш доирасида ишлаб чиқилган.

Аввалроқ, Американинг Facebook компанияси ижтимоий тармоқда ишончсиз маълумот тарқатишга қарши кураш доирасида Россия ва Эрон билан алоқадор қатор саҳифаларни ўчириб юборгани хабар қилинган.



СМАРТФОНЛАР

ХIAOMIдан ЯНГИ ФЛАГМАН

Хiaomi компанияси 22 август кун янги — Poco бренди остидаги смартфонини Ҳиндистонда расман тақдим этди. Янги смартфон Ҳиндистонда Poco F1, Европада POCOphone F1 номи остида сотилади.

Янги смартфон 2246x1080 пикселли 6,18 дюймли экранга эга.

Процессори — Qualcomm Snapdragon 845. Оператив хотираси — 6 ва 8 ГБ, ўрнатилган хотираси — 64, 128 ва 256 ГБга тенг.

Қўшалоқ асосий камераси 12 ва 5 мегапикселли бўлиб, сунъий интеллект технологиясини қўллайди. Орт камераси эса нақ 20 МП кўрсаткичга эга. Аккумулятори сигими — 4000 мАс. Смартфон бармоқ изи сканерига эга.

ТЕЛЕВИЗОРЛАР

5G МОДЕМЛИ ИЛК
8К-ТЕЛЕВИЗОР ЧИҚАРИЛАДИ

Сўнгги хабарларга қараганда, Huawei компанияси телевизорлар бозорига ўзининг илғор технологиялари билан кириб келмоқчи. Ҳитойлик техногигант аллақачон янги телевизорларнинг аппарат ечимлари ишланмалари ҳамда фойдаланувчи интерфейси билан шуғулланувчи жамоани йиғиб бўлган. Корпорациянинг ТВ-жамоаси айни дамда телевизион панелларнинг йирик етказиб берувчилари билан алоқалар ўрнатмоқда.

Телевизор бозорига ҳамёнбоп маҳсулотлари эвазига муваффақият қозongan Хiaomidan фарқли равишда, Huawei илғор жиҳатларга эга премиал моделларга эътибор қаратаётган. Жумладан, унинг маҳсулотларида 8К форматли (7680x4320 пикселли) дисплейлар ҳамда 5G модули бўлиши айтилмоқда.

АМАЛИЙ ТИЗИМЛАР


WINDOWS 8 УЧУН
ЯНГИ ИЛОВА ҚАБУЛ
ҚИЛИНМАЙДИ

Microsoft аста-секин Windows амалий тизимининг эски версиясидан Windows 10 фойдасига воз кечмоқда. Яқин кунларда корпорация Windows 8.x ва Windows Phone 8.x учун янги иловаларни қабул қилишни тўхтатади.

Шу йилнинг 31 октябрида Microsoft Store ушбу амалий тизимлар учун янги иловаларни қабул ҳам, нашр ҳам қилмайди. Ҳозирда мавжуд иловалар учун эса янгилишни қабул қилинаверали, лекин узоқ чўзилмайди.

Маълумотларга кўра, 2019 йил 1 июлда Windows Phone учун, 2023 йил 1 июлда Windows 8 учун иловалар янгилини тўхтатилади.

Windows 8



ХАЛҚАРО ҲАЁТ

УКРАИНЛАР МИЛЛАТ СИФАТИДА
ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТИШДАН ХАВОТИРДА

Иттифоқ тарқанидан сўнг ўтган 25 йил да-

вомида Украина аҳолиси сони камида 10 миллионга камайиб кетиб, тахминан 42 миллион нафарни ташкил

этмоқда. Бу ҳақда "1+1" телеканали кўрсатувида сўз борган.

"Бу (10 млн.) — бутун бошли Швеция, Греция ёки Португалия. Бу очарчилик йилларидагидан икки ярим баравар кўп", — дейилади кўрсатувда.

Украин журналистлари келтирган

статистикага кўра, мамлакатда ўлим кўрсаткичлари туғилиш кўрсаткичларидан анча юқори — ҳар 100 туғилишга 140та ўлим тўғри келади. Бу ҳар йили Украина аҳолиси 270 мингга яқин бўлган Хмельницкий ёки Черновци катталигидаги биттадан шаҳарни йўқотаётганини англатади.

FORBES ЙИЛНИНГ
ЭНГ СЕРДАРОМАД
АКТЁРЛАРИНИ
МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Forbes нашри энг сердаромад актёрларнинг ҳар йиллик анъанавий рейтингини тақдим қилди. Нашр талқинига кўра, 2018 йилнинг энг сердаромад актёри Жорж Клуни бўлди. Актёр 2017 йил июнидан 2018 йил июнигача, яъни бир йил ичида 239 млн. доллар ишлаб топган.

Актёр ўтган йили даромадининг деярли ҳаммасини текила ишлаб чиқарувчи компанияси — Casamigos Tequila сотишдан олган. Актёр компанияга икки шериги билан 2013 йилда асос солган эди. Компания 1 млрд. долларга сотилган, Клуни бундан 233 млн. доллар ишлаб олган.

Рейтингда 2-ўринни Дуэйн Жонсон (124 млн. доллар), учинчи ўринни Кичик Роберт Дауни (81 млн. доллар) эгаллаган.

МОЗАМБИКДА
ЖУРНАЛИСТЛАР
УЧУН СОЛИҚ
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

Мозамбикда 22 августдан журналистларнинг мамлакатга кириши ва ишлаши учун солиқ жорий этилди, деб хабар қилмоқда Korrrespondent.net. Янги қондаларга кўра, хорижлик журналистлар мамлакатга бир марта кириш учун аккредитацияга 2500 доллар, мамлакатда бир йил ишлаш учун эса

8300 доллар тўлашлари лозим бўлади. Маҳаллий мухбирлар журналистик материалларни чоп этиш учун бир йилда 500 доллар, хорижий медиа учун ишловчи журналистлар эса бир йиллик аккредитация учун 3500 доллар миқдорда пул тўлашлари керак бўлади.

ТРАМП: "РОССИЯДАН САНКЦИЯЛАРНИ
ОЛИШ УЧУН ШАРТЛАРИМ БОР"

АҚШ президенти Доналд Трамп Reuters агентлигига берган интервьюсида Россияга қўлланаётган санкцияларни бекор қилиш имкониятларини кўриб чиқиш мумкинлигини айтди. Бунинг учун Россия унинг шартларига кўниши керак.

Унинг айтишича, бу шартлар — Москванинг Сурия ва Украина масаласида Вашингтон билан ҳамкорлик қилишидир.

ДУБАЙДА 2 МЛРД. ДОЛЛАРГА
ЯНГИ АРХИТЕКТУРА МЎЪЖИЗАСИ ҚУРИЛАДИ

Дубайдаги Бурж-Халифа, Бурж-Араб, Жумайра Бич Резиденс ва бошқа осмонўпар иморатлар тез орада ҳеч кимни ҳайратга солмай қўяди. Чунки шайхлар янги "Дубай-сквер" лойиҳасига икки миллиард доллар сарфлашмоқчи.

Дубай-крик-Харбор туманидаги мега савдо маркази 8 миллион квадрат фут савдо майдонига эга бўлади — у Dubai Mall савдо марказидан икки баробар каттадир.

Биринчи қаватда машҳур шахс-

ларнинг чиқишлари, концерт ва театр томошалари бўлиб ўтади. Бу ерда, шунингдек, кинотеатр, аквапарк, спорт майдони ва супермаркет ҳам жойлашади.

Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

27

Гўзал юртимиз аҳолисини
тобора яқинлашаётган
Мустақиллигимизнинг
27 йиллик байрами билан
муборакбод этади!

Оилаларимиз мустаҳкам,
жонажон Ватанимиз тонглари
ҳамиша мусаффо бўлсин!

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
БУХОРО ФИЛИАЛИ
жамоаси**

*Халқимизни энг улуғ,
энг азиз айём билан
қутлашдан бахтиёрмиз.*

*Ўстиқлол байроғимиз
тоабад ҳилтираб турсин!*

**“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ” АЖ
НАВОИЙ ФИЛИАЛИ
ЖАМОАСИ**

ЎЗБЕКИСТОН

Ахборот, технологиялари ва
коммуникациялари соҳаси
ҳодимларини яқинлашаётган
Ўстиқлол тантанаси
билан табриклайди.

**“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АК
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ
жамоаси**

**Азиз
юртдошлар!
Сизларни
Ўстиқлолимизнинг
27 йиллик тўйи билан
табриклаймиз.**

**Бахт-саодат ва тинчлик-
хотиржамлик доимо
ҳайроҳингиз бўлсин!**

14 МУТОЛАА



Акутагава Рюноске (1892-1927, Токио) — япон ёзувчиси. Ўз асарлари билан япон адабиётини жаҳон миқёсига чиқишини бошлаб берган. У ижодида гарб ва япон адабиёти анъаналарини ўзаро уйғунлаштириб, япон анъанавий тасвир ва ифода усулини янги йўналишга бурган.

Инсон онгининг "жумбоқ"лиги, олдидан айтиб бўлмаслик хусусиёти ифодаланган ҳикоялари — "Рёсман" (1915), "Бурун" (1916) унга шухрат келтиради. "Куз" (1920), "Совуқ" (1924) психологик ҳикояларида эса ижтимоий ёвузлик дунёсига эзуликнинг фажавий қисмати акс этган. "Сув алвастилари мамлакатиди" (1927) ижтимоий-фантастик мажозий асардир. Инсоннинг ёлғизлиги, унинг вақт, тарих олдида ожизлиги панд-насиҳатдан иборат "Тентакнинг ҳаёти" (1927) номли сўнги асарининг мавзусидир. Япон маданиятида бекёёс ўрин эгаллагани учун "Акутагава" миллий мукофоти тасвир этилган.

Асакусудаги Нагасуми-чё кўчасида Шингёжи ибодатхонаси бор. Йўқ-йўқ, бу катта ибодатхона эмас. Шундай бўлса-да, у ерда муқаддас Ничиронинг ёғочдан ясалган ҳайкали мавжуд, демак, бу ибодатхона ўз тарихига эга. Мэйжи даврининг йигирма иккинчи йили кузида шу ибодатхонанинг дарвозаси олдида бир болани ташлаб кетишди. Турган гапки, у бир ёшга ҳам тўлмаган эди, ёнидан унинг исми ёзилган қоғозча ҳам топилмади. Эски сарик ипак матога ўралган чақалоқнинг боши остига иплари узилиб кетган аёллар зорисини* қўйиб кетишганди.

Шингёжи ибодатхонасининг ўша вақтдаги роҳиб Тамира Ниссо исмли чол эди; айнан тонгги ибодатни қилаётган вақтида унинг олдида кекса дарбон келди ва чақалоқ ташлаб кетишганини маълум қилди. Роҳиб Будда ҳайкалига қараб турган эди; у дарбонга ўгирилиб ҳам қўймади ва гўёки ҳеч нима бўлмагандай деди: — Шунда де! Уни бу ёққа олиб кел.

Бу ҳам етмагандай, дарбон гўдакни қисиниб-қимтиниб олиб келгандай роҳиб шу заҳотиёқ болакайни қўлига олди ва уни бепарво эркалай бошлади: — Ажойиб болакай экан! Йўғлама! Йўғлама! Бутундан бошлаб сени ўз тарбиямга олам.

Роҳибга ҳурмати ўзгача бўлган дарбон бу воқеани ибодатхонанинг қавмларига илиций* шохчаси ва хушбўй шамларни сотаётган маҳалида кўп мартабала айтиб берган. Роҳиб Ниссо аввал Фукугавада сувоқчи бўлиб ишлаганидан хабарингиз йўқдир, балки, бироқ у ўн тўққиз ёшида ҳавозадан йиқилиб, хушидан кетган ва кўққислан роҳиблики бўйнига олишга қарор қилган. У жуда ғалати одам бўлиб, тиниб-тинчимасди.

Роҳиб ташландиқ болага Юноске деб ном қўйди ва уни ўз ўғлидай тарбиялай бошлади. Мен "тарбиялай бошлади", дедим, лекин бу инқилобдан* бўён аёл зотининг оёғи етмаган ибодатхона шароитида қийин масала эканлиги маълум бўлди. Болага қараш ва унга сут бериш каби ҳамма юмушлар билан роҳибнинг ўзи сутраларни ўқишдан бўш вақтларида шугулланар эди. Бу ҳам майли-я, бир кунги, Юноске касал бўлиб қолганида, шамоллаган эди, шекилли, аксига олиб, ибодатхонанинг доимий қавми асилзода Каши-но Нишитацу шарафига мотам ибодатини амалга ошираётганида роҳиб иситмаси баланд болакайни бир қўли билан кўксига босганча, иккинчи қўлида биллур тасбеҳ билан одатдагидай сутраларни ўқийверди.

Аммо роҳиб, болаларни қанчалик яхши кўрмасин, иложи бўлса болакайнинг ҳақиқий ота-онасини топиш фикрини андида яширинча орзу қилиб юрди. Роҳиб минбарга кўтарилганда —

ИЗОҲЛАР

* Зори — похал ёки бамбукдан тўқилган шиппак.

* Илций — муқаддас шохча, ибодатхоналарга ташриф буюрувчиларга шамлар билан бирга сотилган.

* Инқилоб — 1867 йилдаги Мэйжи инқилоби назарда тутилмоқда.

ТАШЛАНДИК
БОЛА
(Ҳикоя)

дарвоза олдидаги устунда "Ваъз ҳар ойнинг ўн олтинчи кунни айтади" деб ёзилган эски тахтача ҳозиргача ҳам турибди — у Япония ва Хитойнинг қадимий тарихидан мисоллар келтираркан, ота-она меҳрини ёддан чиқармаслик Буддага миннатдорлик билдириш демакдир, деб қўйиб-пишиб гапиришни қанда қилмасди. Ваъз кунлари бирин-кетин ўтиб борарди, бироқ ташландиқ боланинг отасиман ёки онасиман, дея ўзи кириб келган бирор одам бўлмади. Аммо бир гал, унда Юноске уч ёш эди, юзларига оппоқ қилиб ула-элик суриб олган жувон келиб, унинг онаси эканлигини айтди. Лекин, афтидан, у ташландиқ боладан гаразли мақсадда фойдаланиш ниятида эди. Астойдил сўраб-суриштиришлар натижасида бу аёл шубҳадардан холи эмаслиги маълум бўлгач, қизиққон роҳиб уни аямай сўкиб берди ва мушгини тутганича ҳайдаб юборди.

Шундай қилиб, Мэйжи даври 27-йилнинг қиши ҳам етиб келди, бу вақтда япон-хитой уруши тўғрисидаги миш-мишлар кучайди; ойнинг ўн олтинчи, яъни одатдагидай ваъз ўқилайдиган кунги, роҳиб ўзининг хужрасига қайтганида унинг ортидан ўттиз тўрт-ўттиз беш ёшлардаги келишган аёл кириб келди. Хужрадаги қозон-ўчоқ ёнида Юноске пўртаҳол тозалаб ўтирган эди. Уни кўргач, аёл ҳеч қандай кириш сўзи ҳам айтмай қўлларини ўтингандай жуфтлаб, роҳибга қаради ва овозидаги титроқни зўр-базўр босиб, журъат билан деди: "Мен бу боланинг онасиман". Табиийки, ҳайратда қолган роҳиб бир муддат у билан сўрашишга ҳам ботина олмай турди. Лекин аёл унга эътибор ҳам қилмади, полдаги буйрадан кўзини узмай, унинг руҳий ҳаяжонини ташқи кўриниши аниқлаб турган бўлса-да, худди ёл олгандай шу кунгача болани тарбиялагани учун роҳибга боалдалик билан ва муфассал миннатдорлик билдира кетди.

Бу ҳолат роҳиб қизил кетайли елиғичини кўтариб,

аёлдан бодани нима учун ташлаб кетганлигини гапириб беришга мажбур қилмагунча давом этди. Шунда аёл, ҳануз кўзини полдаги буйрадан узмай, қуйидагиларни сўзлаб берди.

Беш йил аввал унинг эри Асакусудаги Тавара-мачи кўчасида гуруч дўконини очди. Аммо илк фойдани олишга ҳам улгурмай, бор мол-мулкни совуради ва шундан сўнг улар аста-секин Йокхомага кетишга қарор қилишди. Лекин эндигина туғилган бола уларнинг оёғига тушов эди. Бунинг устига, бахтга қарши, онанинг кўкрагига сут келмайди ва шу ҳам сабаб бўлиб, эр-хотин кўзларида ёш билан гўдакни Шингёжи ибодатхонаси дарвозаси олдида ташлаб кетишди.

Кейин чала-ярим таниш бир одамнинг ёрдами билан ҳатто поездга ҳам ўтирмай Йокхомага етиб келишди, у ерда эри киракашлик идорасига ишга ёлланади, аёл эса дўконга ишга киради ва улар икки йил давомида тиним билмай меҳнат қилишди. Бу вақтга келиб тақдир уларга кулиб бокдимикни, ишқилиб, хизматга кирганларининг учинчи йили эрининг ҳалол меҳнатига муносиб баҳо берган киракашлик идорасининг хўжайини унга Хоммокухэн туманидаги Омото-дори кўчасида янги очилган кичик бўлимнинг ишларини олиб боришни ишониб топширади. Табиийки, аёл ўша заҳотиёқ ишдан воз кечади ва эри билан яшай бошлайди.

Бўлимнинг ишлари анча жонланиб қолган эди. Бундан ташқари, келгуси йили улар ўғил кўришади. Табиийки, бу вақтга келиб бир пайтлар ташлаб кетилган ўша болакай тўғрисидаги аччиқ хотиралар қалбларининг тўрида жонланиб қолади. Аиниқса, аёл чақалоқнинг оғизчасига сут деярли келмайдиган кўкрагини тутганида ҳар гал хотирасида улар Токиодан жўнаб кетган кеча яққол

Акутагава РЮНОСКЭ

гавдаланарди. Лекин идорада ишлар мўл, болакай эса кундан-кунга ўсиб-ўлғайиб борар эди. Орттирган пуллари билан банкка омонат қўядиган ҳам бўлишди. Ишларнинг бориши чакки эмас эди ва ҳар нима бўлганда ҳам, эр-хотин яна бахтли оилавий ҳаёт кечирish имконига эга бўлишди. Бироқ уларнинг бахтли онлари узоқ чўзилмади. Улар хурсанд бўлишга ҳам улгурмай, йигирма еттинчи йилнинг баҳорида эри терлама касалига дучор бўлди ва бир ҳафта ҳам ётмай оламдан ўтди. Бунинг ўзи бўлганда эди, балки аёл тақдирга тан берган ҳам бўлармиди, аммо эрининг ўлганига юз кун ҳам бўлмай, узоқ кутилган болакай ичбуруғ билан касалланиб кўққислан нобуд бўлганга чидай олмади. Ушанда аёл ақлдан озгандай туну кун дол-фарёд қилди. Йўқ, ушандагина эмас, деярли ярим йил у парижонхотир юрди.

Ғам-ғуссаси чекингач, кўнглига келган биринчи нарсаси — ташлаб кетган катта ўғли билан кўришиш фикри бўлди. "Агар болагинам ҳаёт ва соғ-саломат бўлса, мен уни олиб келаман ва қанчалик қийналмайми, ўзим тарбиялайман", деб ўйларди у ва ўзини кўярга жой тополмасди. У дарҳол поездга ўтирди ва юрагининг тўридан жой олган Токиога келгач, шу заҳотиёқ Шингёжи ибодатхонаси дарвозаси томон ошди. Бу айнан ойнинг ўн олтинчиси, ваъз айтилайдиган кун эди.

Аёл аввалига роҳибнинг хужрасига бориб, қимдандир бола ҳақида сўрамоқчи бўлди. Лекин ваъз ҳали тутмаганилиги сабаб, у роҳиб билан учраша олмасди, албатта. Шу боис сабри чидамай бутун ибодатхонани тўлдирган художўй эркалар ва аёллар оломони орасига сингиб кетди ва роҳиб Ниссонинг ваъзини эътиборсиз тинглашга тутинди ёки анжироқ айтмаган бўлса, унинг тутганини, пойлай бошлади.

(Давоми бор.)

Русчадан Абдувоҳид УМР таржимаси



18th ASIAN GAMES
Jakarta
Palembang
2018

Дастлабки беш кунда 19 медал!

Индонезиянинг Жакарта ва Палембанг шаҳарларида XVIII Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда.



Биринчи кун

Мусобақанинг дастлабки кунинда ҳамюртларимиз бир неча спорт турида баҳсларда иштирок этишди ва кун якунига кўра учта медални делегациямиз ҳисобига қўшиб қўйишди. Ўйиборлиси, қўлга киритилган учта медал ҳам эркин курашчиларимиз ҳиссасига тўғри келди.

Аввалига, -65 кг. вазн тоифасида баҳсларда иштирок этган Сирожиiddин Ҳасанов терма жамоамизга бронза медалини тақдим этган бўлса, -74 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Бекзод Абдурахмонов Ўзбекистонга ilk олтин медални келтирди. -97 кг. вазнида Магомед Ибрагимовнинг бронзаси эса делегациямиз медаллари сонини учтага етказди.

Иккинчи кун

Осиё ўйинларининг иккинчи кунинда ҳамюртларимиз Даря Латишева таулу баҳсларида иккинчи натижани қайд этди ва кумуш медал соҳибасига айланди.

Таэквондо баҳсларида Ниёз Пулатов финалда жанубий корейлик рақибга имкониятни бой берди ва кумуш медал соҳиб бўлди.

Таэквондо бўйича -67 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Нигора Турсунқулова ярим финалда қадар етиб борди ва терма жамоа ҳисобига бронза келтирди.

Индонезияда бўлиб ўтаётган Осиё ўйинларида Ўзбекистон терма жамоаси учун навбатдаги медални эркин курашчиларимиз қўлга киритди. У ҳам бронза соҳиб бўлди.

Учинчи кун

21 августда Осиё ўйинларининг учинчи кун мусобақалари бўлиб ўтди. Кун якуни-

ларига кўра уч нафар спортчимиз совиндорлар қаторидан ўрин олишди.

Оғир атлетиканинг -62 кг. вазн тоифасида супага кўтарилган Адҳамжон Эргашев мусобақа якунига кўра умумий ҳисобда 298 кг. тошни ўзига бўйсундирди ва бронза медални соҳибга айланди.

Таэквондо беллашувларида +67 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Светлана Осипова Эрон ҳамда Камбоджа вакиллари билан мағлубиятга учрашиб, ярим финалгача етиб борди ва бронза медалини қўлга киритди.

Эркаклар ўртасидаги баҳсларда эса +80 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган Дмитрий Шокин Ҳиндистон ҳамда Иордания спортчиларини мағлуб этиб, финалгача етиб борди. Чемпионлик учун кечган жанг-да эса, афсуски, эронлик Сайид Ражабига имкониятни бой берди ва якунда кумуш медал билан кифояланди.

Тўртинчи кун

Осиё ўйинларининг тўртинчи кунги баҳсларида бир қатор спортчиларимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилишди. Кун якунига кўра, атлетларимиз 2та олтин, 2та кумуш медалларини қўлга киритишди.

Куннинг ilk медалини таэквондо бўйича -80 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган спортчимиз Никита Рафалович тақдим этди.

Оғир атлетика баҳсларида -69 кг. вазн тоифасида юртимиз шарафини ҳимоя қилган полвонимиз Достон Ёқубов умумий ҳисобда эса 331 кг. натижа қайд этиб, Осиё ўйинларининг кумуш медалига сазовор бўлди.

Юнон-рум кураши беллашувларида -87 кг. вазн тоифасида иштирок этган

Рустам Аскалов финалгача етиб борди ва якунда кумуш медал билан кифояланди.

Юнон-рум курашининг -130 кг. вазн тоифасида мусобақада қатнашган Мўминжон Абдуллаев Жанубий Корея, Тожикистон ва Эрондан ташриф буюрган полвонларни мағлуб этиб, финалгача етиб борди. Ҳал қилувчи баҳсда эса қозоғистонлик Нурмакан Тиналиев устидан 8:0 ҳисобида зафар кучди ва шоҳсупанинг энг юқори поғонасидан ўрин эгаллади.

Бешинчи кун

23 август кунини 2000 метр масофага жуфтлик баҳсларида маррага Шаҳбоз Холмурзаев ва Шаҳбоз Абдуҷабборов биринчи бўлиб етиб келди ва Ўзбекистон ҳисобига 4-олтин медални тақдим этишди.

Яна бир жуфтлигимиз: Сардор Тўлқинхўжаев ва Алишер Турдиев финалда маррага иккинчи бўлиб етиб келишди ва кумуш медалга сазовор бўлишди.

Шунингдек, академик эштак эшиш бўйича тўртлик баҳсларида қатнашган ҳамюртларимиз финалда учинчи натижани қайд этишиб, бронза медалини ҳам қўлга киритишди.

Осиё ўйинларининг таэквондо баҳсларида -49 кг. вазн тоифасида 17 ёшли Мадина Маннопова финалда қадар етиб борди ва кумуш медал билан тақдирланди.

43 ёшли Оксана Чусовитина спорт гимнастикасининг таяниб-сакраш бўйича баҳсларида кумуш медални қўлга киритди. У ўзининг сеvimли йўналишида 14,287 балл тўплади ва терма жамоа ҳисобига кумуш медал келтирди.



Ўзбекистон ОТЖ Гонконгни йирик ҳисобда мағлуб этди

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Осиё ўйинлари нимчорак финалида Гонконгга қарши майдонга тушди.

Учрашув вакиллариимизнинг устуниги остида ўтди. Дастлаб, 27-дақиқада Икром Алибоев узокдан чиройли зарба йўллаб, ҳисобни очди. Биринчи бўлим охирига яқин Гонконг терма жамоаси аъзоси Акрам Комиловга нисбатан ишлатган қўполлиги учун қизил картчқа билан жазоланди.

Иккинчи бўлимда бир киши кўп бўлиб ҳаракат қилган футболчиларимиз рақиб дарвозасини яна икки бор ишғол қилишди. 60-дақиқада Жавоҳир Сидиқов, 65-дақиқада Забиҳулло Ўринбоев Гонконг дарвозасига гол киритишди. Ҳар иккала голга Достон Ҳамламов ассистентлик қилди.

Осиё ўйинлари, 1/8 финал
Ўзбекистон ОТЖ — Гонконг ОТЖ — 2:0

Голлар: Икром Алибоев (27), Жавоҳир Сидиқов (60), Забиҳулло Ўринбоев (65). Равайн Ҳайдаров шогирдлари мусобақанинг чорак финалида Жанубий Корея жамоаси билан ўйнайди.

Ўтаанларнинг охириати обод бўлсин

"Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази" давлат унитар корхонаси жамоаси меҳнат фахрийси

Софья Сагитовна ГУБАЙДУЛИНАнинг

вафоти муносабати билан марҳуманинг онла аъзолари ва яқинларига таъзия билдилади.

Умумий натижа

Мусобақаларнинг бешинчи кундан сўнг Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобидаги медаллар сони 19тага етди (4 олтин, 8 кумуш, 7 бронза) ва умумжамоа ҳисобида 9-ўринга жойлашди.

№	Мамлакат	Олтин	Кумуш	Бронза	Барчаси
1	Хитой	52	37	20	109
2	Япония	23	26	30	79
3	Корея	15	20	27	62
4	Эрон	9	8	8	25
5	Индонезия	7	5	9	21
6	Таиланд	6	4	16	26
7	Шим. Корея	6	2	5	13
8	Тайпей	5	6	10	21
9	Ўзбекистон	4	8	7	19
10	Ҳиндистон	4	4	9	17

ОИЛА

БУЗИЛМАСЛИГИ УЧУН ОДДИЙ ВА АҲАМИЯТЛИ ТАКЛИФ...



Оила бузилмаслиги учун эмас, носоғлом оила вуждга келмаслиги учун тажрибали психологларни кўпайтириш керак. Зотан касал бўлгандан кейинмас, олдин аниқ чора кўриш доноликдир...

Оила қурган ёшлар ўртасида ажрашишлар сабаблари турли хил. Уларни ёзиб эслатиб, ўқитиб, қиммат вақтингизни олмасдан, асосий масалага диққатингизни қаратмоқчиман.

Иссиқ ёки совуқ сувга тегмасангиз унинг ҳароратини билмайсиз. Оилани қурмасдан хомхаёл қилиш ҳам яра-

майди. Деярли ҳар кун Европа киноларини кўрасиз ва кузатасиз. Очиғи, уларнинг маданияти ва қилиқлари кўпам ёқавермайди. Аммо "Ҳар ёмоннинг бир яхшиси, яхшининг эса бир ёмони бўлади" деган гаплар бор. Улардан биз олсак бўладиган, ижтимоий ва маданий ҳаётимизга татбиқ этса маъқул характерлар (қарашлар) бор.

Яъни:

1. Оила қураётган маънан етук ёшлари даставвал ПСИХОЛОГГА (психологларга) боради. Сабаби оддий, оила ҳақида ҳаёт фалсафасидан дарс олган, мутахассис бўлган ва амалиётда синалган психологик таҳлилларни одамига қараб қўллай олишини англаган, ишонган ёшлар психологлардан бошланғич ва ўрта оилада кечадиган сир-асрорларни тинглайди, ўзини тасаввур қилиб кўради. Баъзан ўзини қайта кашф этади. Ўзгариши керакми ёки ҳозирги ҳолатини янада ривожлантириши, худлас, ўзини чуқур таҳлил қилиб кўриши учун етарлича хулоса чиқаради, келажиги учун аниқ ижобий нимадир олади.

2. Психолог ёшларга "ширин-аччиқ-ширин" саволлар беради. Жавобларининг кўрсаткичларига қараб уларга вазифа, қўшимча ҳаракатлар юклайди ва турли масла-

ҳатлар беради. Унинг оиласи, керак бўлса ота-бобосининг "делоси" билан танишиб чиқиб, улардаги бўлган нуқсон ёки ютуқларини йўли билан муҳокама қилади.

3. Ёшлар бундай психологларнинг ҳузурига ўзи истаб боради. Бориш кераклигини, ўзини (оилапарварми-йўқми) аниқлаш, ҳаётда яхши ота ва она бўлишга тайёرمи — билиш, худосада ҳар томонлама соғлом одам оила қура олиши мумкинлигини ҳис қилади. Демак, соғлом авлод муҳитини яратиш ҳақиқий инсонийлик мезони эканини англашида психолог суҳбатини олиш ҳаёт бўсағаси учун аҳамиятли деб билади.

Таклифнинг қисқача тушунчаси:

Оила қуришни истаётган ёшлар ФХДЁга ҳужжат топширишдан олдин ўзининг тумани (шаҳри)даги ФХДЁ қошида ташкил этилган (ташқил этилса, албатта) ПСИХОЛОГ тестидан ўтганлик ва хулоса варақасини (тест ва суҳбатлардан кейин етарлича балл тўпласа) топшириши лозим. Агар ушбу психологик хулосани топширмаса ФХДЁга қабул қилинмаслиги қатъий тушунтирилади. Бу оддий ва аниқ таклиф (ечим), шундай эмасми?..

Шунинг баробарида,

ёшларимиз керакли кўникмаларга ҳам эришади. Йигитлар ўзининг тўлиқ эркак ёки қизларимиз фазилатли аёл бўлиш фалсафасидан баҳраманд бўлади. Албатта, бу психологик босқичдан ўтиши нафақат оилада, қолаверса ишда, юмушда ўз самарасини кўрсатади.

Оила психологларини етиштириш учун нима қилиш керак?

Жавоби оддий — психолог мутахассисларни етиштириб чиқарадиган, тажрибали устозлардан амалий билим ва кўникма оладиган олийгоҳларда қабул квоталарини кўпайтириб (маълум йилларда), бундаги назоратни жиддий тус олдириш зарур. Оила масаласи — келажак масаласи деб қаралиб, чуқур масъулият ва виждон билан ёндашган ҳолда кенг қўламли ишлар амалга оширилиши керак бўлади.

Оила бузилиб, фарзандлар тирик етим бўлиб, хоҳлаб-хоҳламай алимент тўловчилар кўпаймасин, аёл-эркак йўлдан чиқмасин десак, бу таклифни жиддий ўйлаб кўриш вақти келди.

Ҳамма миллат ва элатларда ОИЛА МУҚАДДАС саналади!

Абдуқодир МЎМИНОВ,
журналист

Она ва бола суҳбати

СЕНГА КЎЗЛАРИМНИ БЕРАРДИМ, БОЛАМ...

ОНА:

— Ўғлим, агар менинг кўзларим нуруни йўқотса, нима қиласан?
— Сизни юртимиздаги энг яхши шиёфхонага олиб бораман, онажон.

— Агар мени у ерда даволай олишмасачи, болам?
— У ҳолда сизни дунёдаги энг яхши шиёфхонага олиб бора-ман, онажон.

— Улар ҳам мени даволай олишмасачи, ўғлим?
— У ҳолда сизга умр бўйи ғамхўрлик қиламан, онажон.
— Меҳрибонлигинг учун раҳмат, болажоним, сени жуда яхши кўраман!

ЎҒИЛ:

— Агар мени кўзларим нуруни йўқотса, Сиз нима қилардингиз, онажон?
— Сенга кўзларимни берардим, болам...

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир вазифасини
вақтинча бажарувчи:
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шухрат СОДИҚОВ (Ҳайъат раиси), Шухрат ҚОДИРОВ,
Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло
ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқлангани мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.
Баҳоסי келишилган нархда.

Газета
ҳафтанинг
жума кунин
чиққани

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-843 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ.
Алади: 2982 нусха.

МАНЗИЛИМИЗ:

100105, Тошкент,
Толдирмаржон кўчаси, 6-уй.
Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78
Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компьютер
базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.
Навбатчи: Аслиддин БҮРИЕВ.



ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиши вақти — 20.00.

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганчда Фарғонада Қаршида
226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99